БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши № 70 (12.423) | Шанба, 23 март 1963 йил | Баҳоси 2 тийин.

Кеча Тошкентда олтинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси очилди.

Сессия Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссияларини тузди. Мандат комиссиясининг докладини эшитди, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлади, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумини сайлади, Ўзбекистон ССР ҳукумати—Ўзбекистон ССР Министрлар Советини тузди.

Сессия бугун ўз ишини давом эттиради.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1963 йил 22 мартдаги мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

22 март кундуз соат 3 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида олтинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси очилди.

Оқсоқоллар Кенгашининг топшириғига биноан сўз олган депутат **М. М. Мусахоновнинг** таклифига мувофиқ, сессияни кекса депутат **Б. Усмонхўжаев** очди.

Сўнгра Олий Совет Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раисини ва Раис ўринбосарларини сайлашга киришди.

Депутат **А. Ҳ. Ҳайдаровнинг** таклифига биноан, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси қилиб депутат **Обид Содиқов** сайланди. Депутат **З. И. Есенбоевнинг** таклифига биноан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Ўзбекистон ССР Конституциясининг 31-моддасига республика Олий Совети Раисининг тўрт ўринбосари сайланишини кўзда тутадиган тузатиш киритади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосарлари қилиб депутатлар **Пардагул Ержонова, Владимир Ильич Коваль, Фотима Давлатовна Ўрунбоева** ва **Акрам Рустамович Хўжаевлар** сайланади.

Депутат **Т. Хўжаевнинг** таклифига биноан, қуйидаги кун тартиби бир овоздан қабул қилинади:

1. Ўзбекистон ССР Олий Советининг Мандат комиссиясини сайлаш.

2. Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссияларини сайлаш тўғрисида.

3. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш.

4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумини сайлаш.

5. Ўзбекистон ССР ҳукумати—Ўзбекистон ССР Министрлар Советини тузиш.

6. Республика аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида.

7. Ўзбекистон ССР Граждан ва Граждан-процессуал кодексларини тасдиқлаш.

Олий Совет депутат **З. Исроилованинг** Олий Советнинг иш регламенти ҳақидаги таклифини тасдиқлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг ваколатларини текшириш учун Оқсоқоллар Кенгашининг топшириғига мувофиқ сўз олган депутат **А. С. Пономаревнинг** таклифига мувофиқ, 11 кишидан иборат Мандат комиссияси сайланади.

Мандат комиссиясининг раиси—**Н. М. Матчонов** — Бухоро область, Бўстон округидан депутат.

Мандат комиссиясининг аъзолари — **А. П. Алимов** — Тошкент область, Оржоникидзе округидан депутат, **Н. Охунов** — Фарғона область, Ултарма округидан депутат, **П. Албоев** — Сурхондарё область, Жарқўрғон округидан депутат, **В. П. Виноградов**— Самарқанд область, Киров округидан депутат, **Р. С. Игнатова**— Тошкент шаҳар, Фрунзе округидан депутат, **Қ. Қодирова** — Хоразм область, Қараман округидан депутат, **Н. В. Ли** — Сирдарё область, Жетисой округидан депутат, **Г. М. Орлов** — Қорақалпоғистон АССР, Беруний округидан депутат, **С. Саидова** — Тошкент шаҳар, Кафанов округидан депутат, **Ҳ. Холхонов** — Андижон область Маданият округидан депутат.

Сўнгра Олий Совет республика Олий Советининг доимий комиссияларини тузиш тўғрисидаги масалани қараб чиқишга киришади.

Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССР нинг бир группа депутатлари номидан сўз олган депутат **А. Худойбергановнинг** таклифига мувофиқ, Олий Совет Ўзбекистон ССР Олий Советининг бюджет комиссиясини 15 кишидан иборат қилиб сайлайди.

Комиссия раиси — **Ғ. Ғ. Юсупов** — Самарқанд область, Калинин округидан депутат.

Бюджет комиссиясининг аъзолари: **М. Бозоров** — Самарқанд область, Қўнғирот округидан депутат, **Р. Бафаева** — Бухоро область, Бухоро шаҳар Оржоникидзе округидан депутат, **Х. М. Ғафуров** — Фарғона область, Водил округидан депутат, **А. З. Завьялов** — Қорақалпоғистон АССР, Хўжайли шаҳар округидан депутат, **Э. А. Калачева** — Сирдарё область, Жиззах округидан депутат, **И. Набиев** — Андижон область, Шаҳанд округидан депутат, **В. Г. Пак** — Андижон область, Жданов округидан депутат, **И. Рахматов** — Тошкент шаҳар, Калинин округидан депутат, **П. И. Садименко** — Тошкент шаҳар, Ўзбекистон округидан депутат, **О. Саъдуллаева** — Хоразм область, Хонқа округидан депутат, **М. Умаров** — Сурхондарё область, Киров округидан депутат, **Т. Умаров** — Сирдарё область, Ленинобод округидан депутат, **Г. Қ. Ҳайдарова** — Тошкент область, Сельмаш округидан депутат, **П. О. Чекин** — Бухоро область, Ғиждувон округидан депутат.

Сирдарё ва Тошкент областларининг бир группа депутатлари номидан сўз олган депутат **В. А. Тюпконинг** таклифига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияси 15 кишидан иборат қилиб сайланади.

Комиссия раиси — **А. А. Хўжаев** — Тошкент область, Оҳангарон округидан депутат.

Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиясининг аъзолари — **Қ. Абдреимов** — Қорақалпоғистон АССР Чимбой шаҳар округидан депутат, **Ғ. Ғ. Ғуломов (Ғафур Ғулом)** — Самарқанд область, Норпой округидан депутат, **С. Есимов** — Сирдарё область, Махтали округидан депутат, **Ё. Т. Зокиров** — Самарқанд область, Булунғур округидан депутат, **А. Д. Ивахненко** — Андижон область, Коммунистик округидан депутат, **Б. А. Красников** — Сурхондарё область, Сайроб округидан депутат, **Қ. Маҳкамова** — Тошкент область, Келес округидан депутат, **М. П. Мансурова** — Тошкент область, Энергетика округидан депутат, **Қ. Рўзметов** — Андижон область, Қизил юлдуз округидан депутат, **У. Сатторов** — Фарғона область, Бағдод округидан депутат, **А. Худойбергенова** — Хоразм область, Фрунзе округидан депутат, **С. Ҳамроева** — Самарқанд область, Қўшрабод округидан депутат, **М. Йўлдошева** — Андижон область, Олтинкўл округидан депутат, **Ж. Хўжаев** — Тошкент область, Тўйтепа округидан депутат.



Суратда: сессиянинг мажлислар залида. И. Глауберзон фотоси.

Самарқанд областининг бир группа депутатлари номидан сўзга чиққан депутат **В. А. Абдуллаевнинг** таклифига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ташқи ишлар комиссияси 14 кишидан иборат сайланади.

Комиссия раиси — **И. Мўминов** — Хоразм область, Янгибозор округидан депутат.

Ташқи ишлар комиссиясининг аъзолари: **С. Б. Бобоев** — Хоразм область, Янгиариқ округидан депутат, **М. Бобохонов** — Андижон область, Чуст округидан депутат, **З. И. Есенбоев** — Фарғона область, Куйбишев округидан депутат, **Г. Б. Измайлова** — Тошкент шаҳар Ломоносов округидан депутат, **В. Н. Қодиров** — Сурхондарё область, Таллимарон округидан депутат, **Т. Нормуҳамедов** — Тошкент область, Жамбул округидан депутат, **К. Нуъмонов (Яшин)** — Андижон область, Кулла округидан депутат, **И. А. Нестеренко** — Тошкент шаҳри, Киров округидан депутат, **М. М. Раҳмонқулов** — Сирдарё область, Меҳнатобод округидан депутат, **С. В. Стародубцев** — Тошкент шаҳри, Саноат округидан депутат, **Қ. Қ. Узоқов** — Хоразм область, Ҳазорасп округидан депутат, **А. Умаров** — Самарқанд область, Ленин округидан депутат, **К. Ёрматов** — Андижон область, Янгиқўрғон округидан депутат.

Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областининг бир группа депутатлари номидан сўзга чиққан депутат **К. Нуримбетовнинг** таклифига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Қишлоқ хўжалик комиссиясини 23 кишидан иборат қилиб тузиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Комиссия раиси — **А. Ҳайдаров** — Андижон область, Қатортол округидан депутат.

Қишлоқ хўжалик комиссиясининг аъзолари: **С. Абдураҳимов**— Андижон область, Чинобод округидан депутат, **Р. Отабоева** — Тошкент область, Эски қовунчи округидан депутат, **Д. Алибоев** — Сурхондарё область, Қумқўрғон округидан депутат, **В. Я. Буткова** — Андижон область, Зарбдор округидан депутат, **П. Ф. Глазатов** — Тошкент область, Оққўрғон округидан депутат, **А. Дадабоев** — Сирдарё область, Сирдарё округидан депутат, **К. Довулбоева** — Сирдарё область, Биринчи Туғай округидан депутат, **Н. Жўраева**—Бухоро область, Когон округидан депутат, **Т. Г. Зинин** — Самарқанд область, Оққўрғон округидан депутат, **И. Иброҳимов**— Тошкент область, Қизил Октябрь округидан депутат, **Ж. Маҳмудов** — Андижон область, Ленинобод округидан депутат, **Л. С. Мазуренко** — Сурхондарё область, Ҳазорбоғ округидан депутат, **Х. Мирзаева** — Самарқанд область, Ғаллаорол округидан депутат, **Ш. А. Миртолипов** — Фарғона область, Ёзёвон округидан депутат, **Т. Ражабов** — Тошкент область, Бўка округидан депутат, **А. И. Руцкий** — Намданак округидан депутат, **К. М. Рустамов** — Бухоро область, Кумушкент округидан депутат, **А. Тохсабинов** — Қорақалпоғистон АССР Уллубоғ округидан депутат, **В. А. Тюпко** — Сирдарё область, Верхний Волинск округидан депутат, **И. Холмирзаев** — Андижон область, Қўрғонтепа округидан депутат, **Х. Файзиев** — Сурхондарё область, Сандал округидан депутат, **А. И. Чудная** — Тошкент область, Куйбишев округидан депутат.

Андижон ва Фарғона областларининг бир группа депутатлари номидан сўзга чиққан депутат **Т. Р. Каримованинг** таклифига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Сув хўжалиги комиссияси 18 кишидан иборат қилиб сайланади.

Комиссия раиси — **Д. К. Терситский** — Сирдарё область, Гулистон округидан депутат.

Сув хўжалиги комиссияси аъзолари: **М. Аббосов** — Фарғона область, Қизилқиёқ округидан депутат, **А. Оллоёров** — Самарқанд область, Пахтакор округидан депутат, **А. М. Арзуманов** — Андижон область, Бўз округидан депутат, **Н. Боймуротов** — Сурхондарё область, Сурхон округидан депутат, **П. Г. Винников** — Қорақалпоғистон АССР Қўнғирот округидан депутат, **З. Ғаниев** — Фарғона область, Қудош округидан депутат, **Т. Латипов** — Сирдарё область, Димитров округидан депутат, **К. Маҳмудов** — Сурхондарё область, Октош округидан депутат, **А. Мелиев** — Самарқанд область, Бахмал округидан депутат, **К. К. Муқумбоев** — Фарғона область, Аввал округидан депутат, **О. С. Оратовский** — Хоразм область, Хева қишлоқ округидан депутат, **И. Сотиболдиев** — Тошкент область, Вревский округидан депутат, **А. Тиллабоев** — Андижон область, Пойтуқ округидан депутат, **Н. Урумбетов** — Бухоро область, Конимех округидан депутат, **Б. Усмонхўжаев** — Фарғона область, Карл Маркс округидан депутат, **Н. Я. Чумаков** — Сурхондарё область, Шеробод округидан депутат, **Э. Т. Шайхов** — Тошкент область, Ленин округидан депутат.

Сирдарё ва Самарқанд областларининг бир группа депутатлари номидан сўзга чиққан депутат **С. Есимовнинг** таклифига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг табиат ва ер ости бойликларини қўриқлаш комиссияси 16 кишидан иборат қилиб сайланади.

Комиссия раиси — **Б. Раҳимов** — Хоразм область, Ленин округидан депутат.

Табиат ва ер ости бойликларини қўриқлаш комиссиясининг аъзолари: **У. Азиров** — Қорақалпоғистон АССР Мўйноқ округидан депутат, **С. Асомов** — Самарқанд область, Митон округидан депутат, **Н. Бекиров** — Сирдарё область, Боёвут округидан депутат, **М. Икромов** — Андижон область, Куйбишев округидан депутат, **Н. Эсонтурдиев** — Самарқанд область, Кулчаби округидан депутат, **Ким Пен Хва** — Тошкент область, Охунбобоев округидан депутат, **Ч. Мўминов** — Самарқанд область, Жўш округидан депутат, **Д. Султонов** — Фарғона область, Деҳқонобод округидан депутат, **К. Тоиров** — Қорақалпоғистон АССР Қораўзак округидан депутат, **С. М. Тоиров** — Тошкент область, Алимкент округидан депутат, **Х. Т. Тўлаганов** — Бухоро область, Шофрикон округидан депутат, **Г. Уббиниёзова** — Қорақалпоғистон АССР Куйбишев округидан депутат, **И. Ҳакимов** — Бухоро область, Сармижон округидан депутат, **А. Эгамбердиев** — Фарғона область, Охунбобоев округидан депутат, **А. Эштоев** — Тошкент область, Бўстонлиқ округидан депутат.

Фарғона ва Андижон областлари депутатлари группаси номидан сўзга чиққан депутат **Т. Қ. Қамбаровнинг** таклифига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Саноат комиссияси 22 кишидан иборат қилиб сайланади.

Комиссия раиси — **К. С. Поспелов** — Тошкент шаҳри Октябрь округидан депутат.

Саноат комиссиясининг аъзолари — **З. А. Абдуллаев** — Тошкент шаҳри, Завод округидан депутат, **У. Абдуллаев** — Фарғона область, Ленинград округидан депутат, **О. Ахметшоева** — Фарғона область, Тўқимачи округидан депутат, **Г. Жабборова** — Сурхондарё область, Қарши шаҳар округидан депутат, **З. П. Зарапетян** — Бухоро область, Навоий саноат округидан депутат, **Р. Қаршиев** — Самарқанд область, Ингичка округидан депутат, **П. В. Каймаков** — Тошкент шаҳри Тўқимачи округидан депутат, **Р. Қурбонова** — Самарқанд область, Сиёб округидан депутат, **Н. Муротов**— Андижон область, Панфилов округидан депутат, **П. С. Поклонский** — Тошкент область, Олмалиқ округидан депутат, **М. Р. Рамазонов** — Андижон область, Фрунзе округидан депутат, **О. Соқиев** — Тошкент шаҳри Каттабоғ округидан депутат, **Г. Г. Светленко** — Тошкент область, Шахтёр округидан депутат, **Қ. Тошматов** — Тошкент область, Металлургия округидан депутат, **И. К. Титков** — Самарқанд область, Панжикент округидан депутат, **Э. Турсунов**— Бухоро область, Қоровулбозор округидан депутат, **Т. Тожимуротов** — Қорақалпоғистон АССР Қозоқдарё округидан депутат, **Ю. Турсунбоев** — Тошкент область, Янгийўл шаҳар округидан депутат, **Х. Умаров** — Фарғона область, Қўқон округидан депутат, **Л. А. Хамрабоева** — Бухоро область, Бухоро шаҳар Марказий округидан депутат, **Ш. Хўжаева** — Хоразм область, Хева шаҳар округидан депутат.

Андижон областининг бир группа депутатлари номидан сўзга чиққан депутат **П. Қаюмовнинг** таклифига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Қурилиш комиссияси 13 кишидан иборат қилиб тузилади.

Комиссия раиси— **В. С. Скребнев** — Тошкент шаҳар Жуковский округидан депутат.

(Охири иккинчи бетда).

КЕЧА СЕССИЯДА

Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Советига ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига ўтказилган сайловлар совет социалистик демократиясининг тантанасини, партия билан халқнинг мустаҳкам бирлигини ёрқин намойиш қилди. Республика давлат ҳокимияти олий органининг депутатлари давлат қурилишини янада ривожлантириш, коммунистик жамият қурилишининг улуғвор программасини тез суръатлар билан амалга оширишни таъминлайдиган чораларни биргаликда белгилаш учун 22 мартда Тошкентда, Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида ўзларининг биринчи сессиясига тўпландилар.

Республика Олий Советининг сессияси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съездининг, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг тарихий қарорларини бажариш учун курашда янги марраларни эгаллаётган барча совет кишиларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги ғоят ўсган бир вазиятда очилди. Халқ сайлаган депутатлар коммунистик қурилиш ишида мамлакатимизнинг муваффақиятларини кўпайтираётган республика меҳнаткашларининг фикр ва туйғуларини ўзлари билан бирга олиб келдилар.

... Кундуз соат учда депутатлар ва жуда кўп меҳмонлар Мажлислар залида ўз ўринларини эгаллайдилар.

Ҳукумат ложаларида КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Н. В. Мартинов, М. М. Мусахонов, Е. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимбобоева, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар Қ. Муртазоев, И. М. Нажесткин, Г. Ф. Наймушинлар ўтирибдилар.

Энг кекса депутат Б. Усмонхўжаев қисқача кириш нутқи сўзлаб сессияни очади. Мен энг кекса депутат сифатида, дейди у, олтинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясини очиш каби юксак шарафга муяссар бўлдим. Мен ана шу фахрли топшириқни зўр хурсандчилик билан бажараман.

3 мартда республика Олий Советига ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига ўтказилган сайловлар партия билан халқ улуғ бирлигининг ёрқин намойиши бўлди. Сайловларнинг натижалари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доно ички ва ташқи сиёсатини бутун халқимиз маъқуллаётганлигини, совет кишилари коммунизм қурилишининг партия XXII съезди белгилаган Программасини амалга ошириш учун қатъий бел боғлаганликларини кўрсатади.

Ўзбекистон ССР Олий Советига илгари ўтказилган сайловлардан буён 4 йил ўтди. Бу йиллар халқимизнинг Ватан бахт-саодати йўлида қаҳрамонона кураши ва илҳомбахш меҳнати йиллари бўлди. КПСС XXII съездининг қарорлари муваффақиятли суратда амалга оширилаётганлигини зўр хурсандчилик билан қайд қиламиз. СССР халқ хўжалиги, бизнинг социалистик маданиятимиз кучли суратда юксалмоқда. Мамлакатимизда қилинаётган ишларнинг ҳаммаси инсон манфаатларини кўзда тутади. Халқ бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш — партия ва давлат фаолиятининг олий қонунидир.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам совет халқларининг дўст қардошлик оиласида жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Республика меҳнаткашлари коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ишига тобора кўп ҳисса қўшмоқдалар. Саноатимиз асосий кўрсаткичлар бўйича контроль рақамлардан ўзиб кетмоқда. Капитал қурилиш ғоят кенгайтириб юборилди. Луб экинлари пояси ва қоракўл тери етиштириш, дон, гўшт, сут, тухум, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан етти йиллик план топшириқлари тўла ва ошириб бажарилди. Ўтган тўрт йил мобайнида пахта етиштириш ҳам шундан аввалги тўрт йилдагига нисбатан кўпайди. Аммо, пахта етиштириш белгиланган топшириқлардан ҳали орқада қолмоқда.

Партия бизга эришилган муваффақиятлар билан хотиржам бўлиб қолмангиз, муваффақиятларни мустаҳкамлангиз ва кўпайтирингиз, олға қараб янада тез қадам ташлангиз, деб таълим бермоқда. КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорлари асосида халқ хўжалигига раҳбарлик қайта қурилганлиги ишлаб чиқаришни юксалтириш учун мавжуд резервлардан янада кўпроқ ва яхшироқ фойдаланишни кўзда тутади.

1963 йилда республика меҳнаткашлари олдида катта вазифалар турибди. Ўзбекистон колхоз ва совхозларининг меҳнаткашлари бу йил Ватанга камида 3 миллион 566 минг тонна пахта бериш мажбуриятини олдилар. Етти йилликнинг бешинчи йили хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги муваффақиятларга эришиш йили бўлмоғи керак ва шубҳасиз, шундай йил бўлади. Ленин партияси ва унинг халқ бахт-саодати учун, бутун дунёда тинчлик учун атокли курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги Марказий Комитети бизни коммунизм қуриш ўлидан янгидан-янги ғалабаларга бошлаб бормоқда.

Комил ишонч билдириб айтаманки, олтинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари халқнинг юксак ишончини шараф билан оқлайдилар, ўз зиммаларига юкланган вазифаларни муваффақиятли суратда бажарадилар, ўзларининг бутун куч ва билимларини мамлакатимизда коммунизм қуриш йўлидаги курашга сарф қиладилар.

Сессия Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раисини ва Раис ўринбосарларини сайлайди, кун тартибини тасдиқлайди, Мандат комиссиясини, Олий Советнинг доимий комиссияларини сайлайди.

Сессия Мандат комиссиясининг докладини тинглаб, барча сайлов округларида сайланган депутатларнинг ваколатларини таниш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ўтган сессиядан кейин қабул қилинган Фармонлари ҳам якдиллик билан тасдиқланади.

Оқсоқоллар Кенгашининг топшириғига мувофиқ сўзга чиққан КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, депутат Ш. Р. Рашидовнинг таклифига мувофиқ, Олий Совет депутат Е. С. Насриддиновани якдиллик билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлайди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари, Президиум секретари ва аъзолари сайланади.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Р. Қурбоновнинг Ҳукумат Олий Совет олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисидаги аризаси ўқиб берилади. Депутат В. А. Карловнинг таклифига мувофиқ, сессия бу аризани қабул қилади ва республика Министрлар Советининг фаолиятини маъқуллаб, Р. Қурбоновга Ўзбекистон ССР Ҳукуматининг состави тўғрисидаги таклифни Олий Советга тақдим этишни топширади.

Шундан кейин Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Р. Қурбоновнинг тақдими билан Олий Совет Ўзбекистон ССР Ҳукуматини тузди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси 23 мартда ўз ишини давом эттиради. (ЎзТАГ).

ТАСС БАЁНОТИ

Шу йил 18 мартда Жазоир Халқ Демократик Республикаси территориясидаги Саҳройи Кабирда француз ядро қуроли синаб кўриш учун яна портлатилди. Совет раҳбар доиралари Франция ҳукумати шу иши билан жаҳон жамоатчилик фикрига дағдаға солди, деб ҳисобламоқдалар.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1959 йилдаёқ Францияни Саҳройи Кабирда ядро қуроли синовлари ўтказишдан тийилиб туришга даъват этган эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 1961 йилда давлатларга мурожаат қилиб, уларни Африка қитъасини ядросиз зона деб қарашга ва, жумладан, Африкада ядро қуроли синовлари ўтказмасликка даъват этган эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XVII сессияси миллион-миллион кишиларнинг ҳохиш-интилишини ифода этиб, барча ядро синовлари 1963 йил 1 январдан бошлаб тўхтатилсин, деб талаб қилди.

Аммо Франция ҳукумати ана шу инсонпарварлик манфаатларини кўзда тутган чақириқларга сира эътибор бермай келмоқда. Франция ҳукумати Францияни халқлар нафратланаётган ядро қуроли билан зўр бериб қуролланишда тобора актив қатнаштиришга қаратилган ўз сиёсатида Африка халқларининг энг элементар ҳуқуқларини, шу жумладан африкаликларнинг заҳарланмаган ҳаво билан нафас олиш каби табиий инсоний ҳуқуқини ҳам поймол этишдан қайтмаётир.

Шу сабабли, Франция ҳукуматининг ҳаракатлари муносабати билан Жазоир халқи ва Африкадаги бошқа давлатлар халқларининг ҳозир дарғазаб бўлганликлари тамомила табиий ва тушунарли бир ҳолдир. Жазоир ҳукумати бу ҳаракатларга Жазоир мустақиллигига очиқдан-очиқ қасд қилиш, деб ҳаққоний баҳо берди. Жазоирда тўла асос билан шуни таъкидламоқдаларки, Франция ҳукумати ёш Жазоир Республикасининг суверенитетини таҳқир этиб, Жазоир тупроғида янги ядро портлатишни Жазоир мустақиллиги тўғрисидаги битим имзоланган куннинг биринчи йиллиги билан бир вақтга қасддан тўғри келтирди.

Францияннинг Саҳройи Кабирда ядро қуролини портлатиши алоҳида бир воқеа бўлмай, Невада полигонларида Америка ядро қуролларини синов тариқасидаги портлатишлар билан боғланган. АҚШ ва Франция НАТО ҳарбий блокидаги иттифоқчилардир, бинобарин, уларнинг ядро қуролларини синаб кўраётганликларини ана шу агрессив блокнинг тинчлик учун хатарли бўлган ҳарбий тайёргарликлари умумий занжирининг халқаларидан бошқа бир нарса деб қараш мумкин эмас. Ана шу давлатларнинг ҳаракатлари жаҳонни ядро қуроллари билан зўр бериб қуролланишнинг янги давраси гирдобига ташламоқда, қуролсизланиш ва ядро қуроли синовларини тақиқлаш проблемаларини ҳал этиш йўлида янги ғовларни вужудга келтирмоқда.

Уз-ўзидан маълумки, Америка Қўшма Штатлари ва Францияннинг ядро қуроли синовларини давом эттираётганликлари ўз хавфсизлигини мустаҳкамлаш тўғрисида, тинчликни сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилаётган барча давлатларни бундан тегишли хулосалар чиқариб олишга мажбур этади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1963 йил 22 мартдаги мажлислари тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

(Боши биринчи бетда).

Қурилиш комиссиясининг аъзолари: **И. П. Абросимов** — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов номли округдан депутат, **Н. И. Белоусов**—Андижон область, Дегрезли округидан депутат, **И. Иброҳимов** — Андижон область, Жомашўй округидан депутат, **А. М. Илюхин** — Тошкент шаҳар Москва округидан депутат, **Қ. Жалилов** — Тошкент шаҳар Қизил Армия округидан депутат, **Э. Мавлонов** — Сурхондарё область, Юрчи округидан депутат, **Т. Маҳмудов** — Сирдарё область, Янгиер округидан депутат, **Н. С. Мирошкина** — Бухоро область, Бухоро шаҳар Коммунар округидан депутат, **Ғ. С. Собиров** — Фарғона область, Қувасой округидан депутат, **И. Сададинов** — Хоразм область, Ленинград округидан депутат, **Қ. Фармонов** — Тошкент область, Бекобод шаҳар округидан депутат, **А. Я. Шчербаков** — Сурхондарё область, Ғузор округидан депутат.

Самарқанд ва Тошкент областларининг бир группа депутатлари номидан сўзга чиққан депутат **Ғ. Ғ. Юсуповнинг** таклифига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Транспорт, алоқа ва йўл хўжалиги комиссияси 18 кишидан иборат қилиб сайланади.

Комиссиянинг раиси — **А. А. Хўжаев** — Самарқанд область, Боғишамол округидан депутат.

Транспорт, алоқа ва йўл хўжалиги комиссиясининг аъзолари: **У. А. Абдураҳимов** — Андижон область, Уҳчаёт округидан депутат, **Қ. Авазматов** — Андижон область, Совой округидан депутат, **А. Гозиназаров** — Қорақалпоғистон АССР Халқобод округидан депутат, **Х. Давлетмуротов** — Қорақалпоғистон АССР Темир йўл округидан депутат, **В. К. Доленко**— Хоразм область, Калинин округидан депутат, **О. Қурбонов**—Андижон область, Кўқон қишлоқ округидан депутат, **Н. Матчонов**—Қорақалпоғистон АССР, Оҳунбобоев округидан депутат, **М. Насриддинова**—Фарғона область, Бувайда округидан депутат, **Т. Наврўзбоев**—Қорақалпоғистон АССР Кегайли округидан депутат, **И. Нишонов**—Фарғона область, Яйпан округидан депутат, **В. В. Окунский** — Тошкент шаҳар Ленин округидан депутат, **А. Содиқов** — Андижон область, Ленин округидан депутат, **Ҳ. Сандаҳмедов** — Сурхондарё область, Пўлати округидан депутат, **А. У. Сулаймонов** — Бухоро область, Томди округидан депутат, **С. Ўразметов** — Хоразм область, Куйбишев округидан депутат, **С. Ҳамидов** — Бухоро область, Файзулла Юнусов номли округдан депутат, **Т. Хўжаев** — Тошкент шаҳар Пролетар округидан депутат.

Самарқанд ва Бухоро областларининг бир группа депутатлари номидан сўзга чиққан депутат **С. Ҳамроевнинг** таклифига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Халқ маорифи комиссияси 21 кишидан иборат қилиб тузилади.

Комиссия раиси — **В. А. Абдуллаев** — Самарқанд область, Университет округидан депутат.

Халқ маорифи комиссиясининг аъзолари: **М. Орифхонова** —Тошкент шаҳар Комсомол округидан депутат, **М. Абдурахмонова** — Тошкент область, Ниёзбош округидан депутат, **Х. Аҳмедов** — Фарғона область, Чимён округидан депутат, **С. Оллоберганов** — Хоразм область, Газовот округидан депутат, **З. Аҳметов** — Сирдарё область, Тельман округидан депутат, **Н. Эшмаматов** — Сурхондарё область, Жимдибулоқ округидан депутат, **Р. Ишчанов** — Хоразм область Манак округидан депутат, **С. Д. Иванова** — Сурхондарё область, Термиз округидан депутат, **Т. Р. Каримова** — Андижон область. Бўтақора округидан депутат, **Қ. Қўчқорова** — Самарқанд область, Хатирчи округидан депутат, **Т. Қамбаров** — Фарғона область, Октябрь округидан депутат, **К. М. Камолов** — Самарқанд область, Пушкин округидан депутат, **Х. Р. Мусахонова** — Тошкент область, Завод округидан депутат, **М. Муҳиддинов** — Фарғона область, Коммунистик округидан депутат, **О. Мирзаахмедова** — Андижон область, Манак округидан депутат, **Ш. Ниёзов** — Самарқанд область, Даштакиболо округидан депутат, **Қ. Нурумбетов** — Қорақалпоғистон АССР Бийбозор округидан депутат, **А. Одилов** — Фарғона область, Турумсарой округидан депутат, **Қ. Ўлжабоев** — Сурхондарё область, Майманак округидан депутат, **М. З. Хомудхонов** — Қорақалпоғистон АССР Амударё округидан депутат.

Тошкент шаҳри ва Тошкент областининг бир группа депутатлари номидан сўзга чиққан депутат **М. Орифхоновнинг** таклифига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссияси 20 кишидан иборат қилиб сайланади.

Комиссиянинг раиси — **Н. С. Петрова** — Тошкент шаҳар Жданов округидан депутат.

Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссиясининг аъзолари: **А. Ортиков** — Тошкент область, Учқўприк округидан депутат, **М. Деҳқонов** — Фарғона область, **Учқўприк** округидан депутат. **И. Жалилов** — Сурхондарё область, Посёлка округидан депутат, **Р. Ж. Исломова** — Самарқанд область, Каттақўрғон округидан депутат, **Т. Қирғизбоева** — Сирдарё область. Малик округидан депутат, **А. Ш. Керуенбаева**— Сирдарё область, Киров округидан депутат, **И. И. Ладушкин** — Тошкент область, Янгибозор округидан депутат, **О. Матчонова** — Хоразм область, Юқорибоғ округидан депутат, **М. Нодирхонова** — Бухоро область, Свердлов округидан депутат, **М. Назаров** — Андижон область, Кўғай округидан депутат, **Л. В. Проводина** — Фарғона область, Октябрь 40 йиллиги округидан депутат, **Ш. З. Саломова** — Андижон область, Марказий округидан депутат, **Х. Тошқенбоев** — Самарқанд область, Пойариқ округидан депутат, **И. Усаков** — Қорақалпоғистон АССР Тахтакўпир округидан депутат, **Р. Файзиев** — Андижон область, Избоскан округидан депутат, **О. Н. Холикова** — Тошкент шаҳар, Шумилов округидан депутат, **М. Ҳайитова**—Самарқанд область, Каттақўрғон округидан депутат, **М. Худойбердиев** — Хоразм область, Свердлов округидан депутат, **М. Ҳ. Ҳамдамова**— Сурхондарё область, Свердлов округидан депутат.

Қорақалпоғистон АССР ва Сурхондарё областининг бир группа депутатлари номидан сўзга чиққан депутат **В. С. Скребневнинг** таклифига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш комиссияси 17 кишидан иборат қилиб тузилади.

Комиссиянинг раиси — **С. Р. Расулов** — Фарғона область, Мартилон округидан депутат.

Коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш комиссиясининг аъзолари: **О. Акрамов** — Тошкент шаҳар, Марказий округидан депутат, **Н. Б. Бозоров** — Бухоро область, Ромитан округидан депутат, **В. В. Бритов** — Қорақалпоғистон АССР Свердлов округидан депутат, **М. С. Голубев**—Тошкент область, Янгиобод округидан депутат, **Д. Гулимбетов** — Қорақалпоғистон АССР Ленин округидан депутат, **М. М. Маткаримов** — Хоразм область, Киров округидан депутат, **А. И. Мирошников** — Сирдарё область, Урсатьевск округидан депутат, **М. М. Мироқов** — Бухоро область, Навоий қишлоқ округидан депутат, **Н. Садиров** — Андижон область, Учқўрғон округидан депутат, **Т. Содиқов** — Тошкент шаҳар, Тельман округидан депутат, **А. Я. Снегирев** — Тошкент область, Марказий округидан депутат, **С. Тоштемиров** — Фарғона область, Сўх округидан депутат, **С. Ҳамроқулов** — Самарқанд область, Ургут округидан депутат, **Б. Хусанов** — Андижон область, Комсомол округидан депутат, **У. Ш. Шоражабов** — Самарқанд область, Пастдарғом округидан депутат, **С. Юсупов** — Тошкент шаҳар, Куйбишев округидан депутат.

Тошкент шаҳри ва Тошкент областининг бир группа депутатлари номидан сўзга чиққан депутат **И. А. Нестеренконинг** таклифига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Савдо ва умумий овқатланиш комиссияси 20 кишидан иборат қилиб сайланади.

Комиссиянинг раиси — **А. С. Пономарев** — Сурхондарё область, Сариосиё округидан депутат.

Савдо ва умумий овқатланиш комиссиясининг аъзолари: **Ғ. Абдуллаев** — Тошкент область, Қатортол округидан депутат, **Х. Алиқулов** — Тошкент область, Тешиктош округидан депутат, **А. В. Брандов** — Тошкент область, Сергели округидан депутат, **Т. Жўраев** — Фарғона область, Ленин округидан депутат, **Н. В. Ершова** — Тошкент шаҳар, Дзержинский округидан депутат, **М. А. Зондов** — Тошкент область, Бўзсув округидан депутат, **М. Камолова** — Андижон область, Чуқурқўқа округидан депутат, **С. Қорабоев** — Андижон область, Жийдакапа округидан депутат, **А. Маткаримов** — Хоразм область, Гурлан округидан депутат, **О. Мўминов** — Бухоро область, Дўрмон округидан депутат, **Н. М. Муродов** — Хоразм область, Питнак округидан депутат, **К. Раҳматова** — Самарқанд область, Ҳужум округидан депутат, **Л. А. Реут** — Тошкент шаҳар, Горький округидан депутат, **А. Ф. Сатторов** — Сирдарё область, Хайиробод округидан депутат, **Г. И. Скоробогатов**—Андижон область, Тошбулоқ округидан депутат, **Х. Султонова** — Сурхондарё область, Муғлон округидан депутат, **М. Турғунова** — Фарғона область, Гагарин округидан депутат, **М. Тўхтамурадова** — Самарқанд область, Каттақўрғон шаҳар округидан депутат, **А. Эшова** — Бухоро область, Қизил Октябрь округидан депутат.

Олий Совет олтинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг ваколатларини текшириш натижалари тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Мандат комиссиясининг раиси депутат **Н. М. Матчоновнинг** докладини тинглайди ва қуйидаги қарорни қабул қилади:

«Ўзбекистон ССР Олий Совети Мандат комиссиясининг докладини эшитиб, қарор қилади:

1. Ўзбекистон ССР Конституциясининг 33-моддасига асосан ва Мандат комиссиясининг тақдимига мувофиқ, 458 сайлов округининг ҳаммасида 1963 йил 3 мартда сайланган ва Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказган Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг ваколати тўғри деб топилсин.

2. Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказган Марказий сайлов комиссияси ўз ишини тамом қилди, деб ҳисобласин».

Сўнгра Олий Совет Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани қараб чиқишга киришди. Бу ҳақда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари депутат **Р. Сахибоев** доклад қилди.

Олий Совет Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилди.

Олий Совет сессиянинг кун тартибидаги тўртинчи масалани қараб чиқишга — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумини тузишга ўтади.

КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **Ш. Р. Рашидовга** сўз берилади. У Оқсоқоллар Кенгашининг топшириғига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб Фарғона область, Олтиариқ округидан депутат **Егор Содиковна Насриддинови**, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари қилиб Самарқанд область, Энгельс округидан депутат **Александр Степанович Абдалинин**, Қорақалпоғистон АССР Тахиатош округидан депутат **Давлат Ешимбетовни**, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари қилиб Сирдарё область, Оҳунбоев округидан депутат **Рихси Сахибоевни** сайлаш тўғрисида таклиф киритади. Бу таклиф бир овоздан қабул қилинади.

Оқсоқоллар Кенгашининг топшириғига мувофиқ сўзга чиққан депутат **Г. М. Орловнинг** таклифига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари қилиб депутатлар: Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Раъно Абдуллаева**, Самарқанд районидаги 14-мактаб ўқитувчиси **Султон Ахророва**, шоира **Зулфия Исроилова**, «Ташкенткабель» заводининг цех бошлиғи **Юрий Иванович Ильичев**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари **Владимир Алексеевич Карлов**, Фарғона азот-ўғит заводининг старший машинисти **Муҳамед Рўзаевич Маҳмудов**, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси **Рафиқ Нишонов**, ҳарбий хизматчи **Георгий Кузьмич Платоненков**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Шароф Рашидович Рашидов**, Пахтаорол ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари **Мирзатой Умбетов**, Қарши районидаги Ленин номли қишлоқ Советининг раиси **Ҳакима Ҳасанова**, Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Политотдел» колхозининг раиси **Мангим Григорьевич Хван**, Ўзбекистон касаба союзлари советининг секретари **Маъмура Юнусовна Йўлдошевалар** бир овоздан сайланади.

Раислик қилувчи Ўзбекистон ССР Конституциясига биноан ва республика ҳукуматини тузиш тўғрисидаги масала Олий Совет муҳокамасига қўйилганлиги муносабати билан, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз вазифаларини тугаган деб ҳисоблагани ва Олий Совет олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Р. Қурбоновнинг аризасини ўқиб эшиттирди.

Оқсоқоллар Кенгашининг топшириғига биноан сўзга чиққан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари депутат **В. А. Карловнинг** таклифига мувофиқ, Олий Совет бу аризани қабул қилади ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг фаолиятини маъқуллаб, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбоновга Ўзбекистон ССР Ҳукуматининг состави тўғрисидаги таклифларни Олий Советга тақдим этишни топширади. Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Олий Совет ҳукуматининг янги составини Олий Совет томонидан тасдиқлангунча ўз вазифасини бажаришни давом эттиришни топширади.

* * *

22 март кеч соат 7 да олтинчи чақирик Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи мажлиси бўлди.

Мажлисда кун тартибидаги биринчи масала — республика Ҳукумати — Ўзбекистон ССР Министрлар Советини тузиш тўғрисидаги масала қараб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Р. Қурбоновга** сўз берилади. У республика Ҳукумати—Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составини Олий Советнинг қарамоғига ва тасдиқига тақдим этади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети республика Ҳукумати — Ўзбекистон ССР Министрлар Советини қуйидаги составда бир овоздан тасдиқлайди:

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси —

Раҳмонқул Қурбонович ҚУРБОНОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари —

Иван Макарович НАЖЕСТКИН.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри —

Сарвар АЗИМОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министри —

Хидирали ЭРГАШЕВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Партия-давлат контроли комитети раиси —

Мирзамаҳмуд Мирзарақмонович МУСАХОНОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — **Иван Витальевич МАРЦИНЮК.**

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министри — **Иван Васильевич СТРЕЛЬЦОВ.**

Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министри — **Василий Андреевич БИЛБАС.**

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри — **Тошмуҳамад Алиевич САРИМСОҚОВ.**

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри — **Башир Ҳикматуллаевич МАЪЗУМОВ.**

Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министри — **Мансур Зиёевич МИРЗААҲМЕДОВ.**

Ўзбекистон ССР Маданият министри — **Собир МУҲАМЕДОВ.**

Ўзбекистон ССР Жамоат тартибини сақлаш министри — **Тожиддин Азимович ЖАЛИЛОВ.**

Ўзбекистон ССР Маориф министри — **Эминжон ҚОДИРОВ.**

Ўзбекистон ССР Алоқа министри — **Михаил Андреевич ШАРКОВ.**

Ўзбекистон ССР Социал-таъминот министри — **Васила Содиқовна СОДИҚОВА.**

Ўзбекистон ССР Савдо министри — **Аҳмад САРИМСОҚОВ.**

Ўзбекистон ССР Молия министри — **Вали Муродович МУРОДХЎЖАЕВ.**

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министри—**Азиз Ҳакимович ХАМИДОВ.**

Ўзбекистон ССР Госпланининг раиси **Саидкарим ЗИЁДУЛЛАЕВ.**

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзсельхозтехника» Ўзбекистон республика бирлашмаси Раиси — Ўзбекистон ССР министри **Игорь Васильевич БАБКОВ.**

Ўзбекистон ССРда Қурилиш бош бошқармаси «Узглавстрой» бошлиғи — Ўзбекистон ССР министри — **Абдусаттор Каримович КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳридаги Қурилиш бош бошқармаси «Главташкентстрой» бошлиғи — Ўзбекистон ССР министри — **Павел Михайлович РЕПИН.**

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Илмий тадқиқот ишларини координациялаш Давлат комитети раиси — Ўзбекистон ССР министри — **Ғани СУЛТОНОВ.**

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Қурилиш ва архитектура Давлат комитети раиси — Ўзбекистон ССР министри — **Алексей Тимофеевич ШАХОВ.**

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Профессионал-техника таълими Давлат комитети раиси— **Хайриддин Зокирович КАЛОНОВ.**

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшиттириш ва телевидение Давлат комитети раиси — **Убайдулла Ёқубович ИБРОҲИМОВ.**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси — **Георгий Федорович НАЙМУШИН.**

Ўзбекистон ССР Госплани Раисининг биринчи ўринбосари Ўзбекистон ССР министри — **Иван Иванович БУРЛАЧЕНКО.**

Ўзбекистон ССР Госплани Раисининг ўринбосари — Ўзбекистон ССР министри — **Розалия Аркадьевна САРКИСОВА.**

Ўзбекистон ССР Госплани Раисининг ўринбосари — Ўзбекистон ССР министри **Жўра Илҳомович ИЛҲОМОВА.**

Ўзбекистон ССР Госплани Раисининг ўринбосари — Ўзбекистон ССР министри — **Николай Степанович БОЖКО.**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармасининг бошлиғи — **Георгий Иванович ЗАЙКО.**

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси **Ережеп АЙТМУРАТОВ** ўз лавозимига кўра Ўзбекистон ССР Министрлар Совети составига киради.

Шу билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи мажлиси тамом бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ МАНДАТ КОМИССИЯСИ РАИСИ ДЕПУТАТ Н. М. МАТЧОНОВ ДОКЛАДИ

Депутат ўртоқлар! 1963 йил 3 мартда Ўзбекистон ССР Олий Советига ўтказилган сайлов якунлари сайловчиларнинг сиёсий активлиги ва уюшқоқлиги бениҳоя ўсганлигидан далолат беради. Сайловларда 4.860.645 сайловчи қатнашди. Булар рўйхатга киритилган барча сайловчиларнинг 99,99 процентини ташкил этади. 4.848.865 киши, ёки овоз беришда қатнашган барча сайловчиларнинг 99,76 процента коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз берди.

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар ҳамма жойда КПСС XXII съезди ва партия Марказий Комитети ноябрь Пленумининг тарихий қарорлари туфайли сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят ўсган бир вазиятда ўтди. Бу сайловлар совет социалистик демократиясининг тантанасини, партия билан халқнинг бузилмас бирлигини, совет кишилари жонажон ленинчи партия ва унинг ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашганликларини ёрқин намойиш қилди.

Сайловчилар коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз бериш билан Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг узоқни кўрадиган доно сиёсатини яқдиллик билан чин қалбдан қўллаб-қувватлаётганликларини ва маъқуллаётганликларини, коммунизм қурилишининг КПСС XXII съезди белгилаган программасини зўр қатъият ва шараф билан бажаришга қарор берганликларини яна бир марта кўрсатдилар.

Ўзбекистон ССР Конституциясининг 33-моддасига биноан, Мандат комиссияси Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети барча депутатларининг ваколатини текшириб чиқди. Мандат комиссияси депутатликка кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш протоколларини ва округ сайлов комиссияларининг овоз бериш протоколларини қараб чиқди ва 458 сайлов округининг ҳаммасида сайловлар Ўзбекистон ССР Конституциясига ҳамда «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низом»га тамомила мувофиқ суратда ўтказилганлигини аниқлади. Республикамиздаги шаҳарлар, ишчи посёлкалари ва қишлоқлар аҳолиси анча органлиги сабабли Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатлар сайлаш учун янги сайлов округлари ташкил этилди.

КПССнинг XXII съезди халқ вакиллигини янада такомиллаштириш ва совет сайлов системасининг демократик принципларини янада ривожлантириш юзасидан энг муҳим тадбирларни белгилади. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программасида таъкидлаб ўтилганидек, Советларнинг ишини яхшилаш учун уларга янгидан-янги кучлар келиб туриши ва шу тариқа янгидан миллионлаб меҳнаткашларнинг давлатни бошқариш мактабини ўтишлари учун ҳар бир сайловда Советлар депутатлари составининг камида учдан бир қисмини янгилаб туриш мақсадга мувофиқдир. Партиямиз Программасининг ана шу асосий талаби рўёбга чиқарилмоқда. 1963 йил 3 мартда сайланган барча депутатлардан 72,9 процента ёки 334 киши Олий Совет депутатлигига биринчи марта сайланди.

Республика Олий Советида турли касбдаги кишиларнинг вакиллари — ишчилар ва колхозчилар, саноат ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари, олимлар ва ўқитувчилар, адабиёт ва санъат арбоблари, мамлакатимиз шонли Қуролли Кучларининг жангчилари ва соғлиқни сақлаш ходимлари, партия ва совет ташкилотлари, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг ходимлари бор. Бу эса республикамизнинг Коммунистик партия тарбиялаб ўстирган, Ватанга, коммунизм ишига чексиз содиқ бўлган кўпгина ажойиб кадрлари ўсиб етишганлигини яққол ифода этувчи далилдир.

214 депутат ёки барча депутатларнинг 46,7 процента бевосита ишлаб чиқаришда ишлаётганлиги социалистик демократизмнинг буюк ҳаётий кучини яққол кўрсатади. Булар завод ва қурилишларнинг новаторлари, пахта ва маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирувчи моҳир кишилар, донгдор чорвадорлар ва пилладчилар, шонли механизаторлар ва лубокорлар бўлиб, ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан моддий неъматларни вужудга келтирмоқдалар, мўлчилик дастурхонига муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Депутатлардан 24 киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 262 киши Совет Иттифоқининг орден ва медаллари билан мукофотланган.

Шу нарсани қайд қилиб ўтиш қувончликки, республика Олий Совети составида аввалги сайловдагига нисбатан ҳотин-қизлар сони ортди. Ўзбекистон ССР Олий Советига хотин-қизлардан 139 киши сайланди, ёки улар барча депутатларнинг 30,3 процентини ташкил этадилар. Кўпгина меҳнаткаш хотин-қизларнинг Ўзбекистон давлат ҳокимияти олий органига депутат қилиб сайланганлиги уларнинг тўла тенг ҳуқуқлилигини, коммунистик қурилишдаги хизматлари бутун халқ томонидан тақдирланаётганлигини ёрқин исбот этади. Ўзбекистон хотин-қизлари ўзларига берилган ҳуқуқлардан кенг фойдаланиб, давлатни бошқаришда, бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётда актив қатнашмоқдалар, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар ва севикли Ватанимизнинг моддий ҳамда маънавий бойликларини кўпайтирмоқдалар.

Депутатлардан 329 киши ёки депутатларнинг 71,8 процента КПСС аъзолари ва КПСС аъзолигига кандидатлар, 129 киши ёки барча депутатларнинг 28,2 процента партиясизлардир. Бу рақамлар бирғаликда қаҳрамонона меҳнат қилиб, жаҳонда биринчи коммунистик жамият барпо этаётган коммунистлар билан партиясизлар халқ блокининг қудратли кучини ёрқин исбот этади.

Олий Совет депутатлари составида ёш жиҳатидан қуйидагича: 30 ёшгача бўлган депутатлар 62 кишини, ёки барча депутатларнинг 13,5 процентини, 31 ёшдан 40 ёшгача бўлган депутатлар 149 кишини, ёки барча депутатларнинг 32,5 процентини, 41 ёшдан 50 ёшгача бўлган депутатлар 152 кишини, ёки барча депутатларнинг 33,2 процентини, 50 дан юқори ёшдаги депутатлар 95 кишини, ёки барча депутатларнинг 20,7 процентини ташкил этади.

Олий Совет депутатларининг билим даражаси қуйидагича: 230 киши олий ва тўлиқсиз олий маълумотли, 206 киши ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотли.

Республика Олий Совети депутатлари 14 миллат вакилларидан иборат. Халқ сайлаган депутатлардан 321 киши ўзбеклар, 61 киши руслар, 18 киши қозоқлар, 13 киши украинлар, 12 киши қорақалпоқлар, 9 киши тожиклар, 4 киши корейслар, қолганлари республикамизда яшовчи бошқа миллатларнинг вакилларидир. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг кўпчилигини вакилларидан иборат составда бўлиши ягона қардошлик оиласига жипслашган, умумий ҳаётий манфаатлар ва коммунизм қуриш мақсадлари билан бирлашган Совет Иттифоқи халқлари мустаҳкам ленинча дўстлигининг далилидир. Совет жамияти, — деди ўртоқ Н. С. Хрушчев, — ҳозир мамлакатдаги барча социалистик миллатларнинг тўла, монолит бирлигига эришилган бир босқичда турибди.

Бизнинг ҳаётимиз мамлакатимиз халқларининг бузилмас дўстлигини доим мустаҳкамлаётган ажойиб ишлар туфайли жўш урмоқда. Қозоғистон ССРнинг Жанубий Қозоғистон ўлкасидаги уч ярим миллион гектардан кўпроқ ҳайдаладиган ва яйлов ер массивларининг, шунингдек шу ерлардаги Пахтаорол ва Киров ишлаб чиқариш бошқармаларига қарашли колхоз ва совхозларнинг Ўзбекистон ССР составига топширилганлиги каби олиҳимматлик халқларимиз ўртасидаги чинакам қардошларча ҳамда муносабатларнинг конкрет ифодасидир. Ҳозирги вақтда бу ерлар республикамизда янгидан ташкил этилган Сирдарё области составига кирди. Ўзбекистон меҳнаткашлари ана шундай самимий туҳфа учун қардош қозоқ халқига чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор қилмоқдалар. Қозоқ халқининг бу ҳиммати коммунистик жамият қуриш учун курашда халқларимизнинг умумий ишига ҳизмат қилади.

Депутат ўртоқлар! Мандат комиссияси қуйидаги қарорни тайёрлади ва бу қарорни Ўзбекистон ССР Олий Советининг муҳокамасига тақдим этади:

«Ўзбекистон ССР Олий Советининг Мандат комиссияси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловлар бўйича ҳар бир депутат ҳақида тақдим этган ҳужжатларни ва материалларини текшириб, қуйидагиларни аниқлайди:

1. 458 сайлов округининг ҳаммасида Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатлар сайлови Ўзбекистон ССР Конституциясига ва «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низом»га тамомила мувофиқ суратда ўтказилди.

2. Бирор сайлов округи бўйича сайловларни бекор қилиш учун ҳеч қандай асослар, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларини сайлашда Ўзбекистон ССР Конституцияси ёки «Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низом» бузилганлиги ҳақида шикоят ва аризалар сайлов округларида ҳам, Марказий сайлов комиссиясида ҳам йўқ.

Юқорида баён қилинганларга асосан, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Мандат комиссияси 1963 йил 3 мартда сайланган ва Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг ваколатларини таниш тўғрисидаги таклифни Ўзбекистон ССР Олий Советининг тасдиқига тақдим этади. Сайланган депутатларнинг рўйхати республика газеталарида эълон қилинган».

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари депутат Р. САХИБОЕВ доклади

□ □

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми бешинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўтган йил декабрь ойида бўлиб ўтган тўққизинчи сессиясидан кейин қабул қилинган Фармонлар тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Советига маълум қилишни менга топширди. Ўзбекистон ССР Конституциясига биноан, бу Фармонлар Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланиши лозим.

Аввало, Сиз депутатларга шуни айтиб ўтмоқчиманки, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиуми 1963 йил 26 январда Фармон чиқариб, Жанубий Қозоғистон ўлкасининг жами 3 миллион 663 минг гектар майдондан иборат ҳайдаладиган ва яйлов ерлар массивини Ўзбекистон ССР составига топширди.

Бу олиҳимматликни Ўзбекистон меҳнаткашлари зўр қувонч ва қардош Қозоғистон халқига самимий миннатдорчилик ҳислари билан қабул қилдилар, чунки бу ишни улар Совет Иттифоқи халқлари бузилмас ва чинакам ленинча дўстлигининг, совет халқлари ўртасидаги ҳар тарафлама ўзаро ёрдамнинг ёрқин ифодаси деб биладилар.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1963 йил 28 январда Қозоғистон ССР Жанубий Қозоғистон ўлкаси территориясининг бир қисмини Ўзбекистон ССР составига қўшиш тўғрисида Фармон қабул қилди.

Халқ хўжалигига раҳбарликни янада такомиллаштириш, шаҳар ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатишни яхшилаш, омманинг жамоат ишларини бошқаришда яна ҳам кенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорларига амал қилиб, 1962 йил 29 декабрда «Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область ва район Советларини қайта ташкил қилиш тўғрисида» Фармон қабул қилди.

Бу Фармонга биноан, областлардаги совет органлари ишлаб чиқариш принципи бўйича қайта ташкил этилди. Тошкент, Андижон, Фарғона ва Самарқанд областларида эса меҳнаткашлар депутатларининг саноат ва қишлоқ область Советлари ҳамда уларнинг ижроия комитетлари тузилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзининг 1963 йил 12 январдаги Фармони билан Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказиш бўйича янги сайлов нормасини белгилади, яъни бу Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советига 20 минг аҳоли ҳисобидан бир депутат сайланадиган бўлди.

Шу Фармон тасдиқланиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Конституциясининг Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов округларидан депутатлар сайлаш нормаси белгилаб берилган 23-моддасига ўзгартишлар киритиш зарур бўлади.

Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлигини, шунингдек республикамиз Жиноят-процессуал қонунларини қўлланиш практикасини эътиборга олиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1963 йил 4 февралда Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексининг 78, 108, 198, 199, 214, 230, 241, 332 ва 336-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Фармон қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексига киритилган асосий қўшимча ва ўзгартишлар қуйидагилардан иборат:

78-моддадан Жиноят кодексининг эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиб туриш чораси фақат жиноятнинг хавфлилиги бор деган асос билангина татбиқ қилиниши мумкинлиги тўғрисидаги бир қанча моддалари чиқариб ташланди.

198 ва 199-моддаларда область судлари ва Қорақалпоғистон АССР Олий Судининг судловига доир жиноят ишлари аниқлаб берилди. 214-модда янги таҳрирда берилиб, ҳамма судларнинг бошқарув мажлиси чиқарган ажримларга раислик қилувчи ва халқ маслаҳатчилари қўл қўйишлиги белгиланди. 332-

3.566 МИНГ ТОННА ЎЧУН!

АНДИЖОН ОБЛАСТИДА ЕР ҲАЙДАШ ВА ЧИГИТ ЭКИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚОНИҚАРСИЗ БОРМОҚДА

АНДИЖОНЛИК ЎРТОҚЛАР, бу сизлар учун уят! Бутун куч ва воситаларни тўла сафарбар этиб, ишда қатъий бурилиш ясанг, ер ҳайдаш суръатини кескин оширинг. Ҳамма нарса чигит экишга тахт қилиб қўйилсин!



Сирдарё области. Мирзачўлдаги хўжаликларнинг пахтакорлари Фотима Ўринбоеванинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. У ўтган йили «Пахтаорол» совхозида ишлаб, зангори кема билан 413 тонна пахта териб берди. СУРАТДА: Фотима ЎРИНБОЕВА «Пахтаорол» совхозининг илғор кишилари орасида, чапдан бригада бошлиғи М. Тўқжигитов, тажриба участкасининг агрономи Ш. Қодирқулов, инженер-механик П. Попов, бригада бошлиғи Қ. ЖЎРАЕВ, Фотима Ўринбоева, маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи М. Ш. Ким ўртоқлар.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

Тўрткўл районидаги Максим Горький номли колхозда чигит экишга тайёргарлик ишлари ҳар қачонгидан ҳам кучайтириб юборилди. Ўтган йили 154 гектар ернинг ҳар гектаридан 49,7 центнердан хирмон кўтарган ва бу йил 50 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаётган ўртоқ С. Сафаров бошлиқ бригада ерни юмшатишга киришди. Ҳозиргача далага бир минг тоннага яқин маҳаллий ўғит чиқариб тўкилди.

А. БОБОЖОНОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

* * *

Иштихон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Партия XXII съезди» колхозининг правлениеси маҳаллий ўғит тўплашга алоҳида эътибор бераётир. Молхоналардаги, қўралардаги, колхозчиларнинг ҳовлиларидаги гўнг ва бошқа маҳаллий ўғит далага ташиб чиқарилмоқда. Нурмон Йўлдошев бошлиқ бригада гўнг тайёрлаш юзасидан берилган топшириқни қарийб бир ярим баравар бажарди.

Р. ХУДОЙБЕРДИЕВ.

* * *

Поп ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли совхозда ернинг шўрини ювиш ва суғориш қизғин давом эттирилмоқда. Бу ишга энг яхши сувчилар қўйилган. Энгельс номли бўлимнинг сувчиларидан Раҳматулла ота Қўчқоров, Иброҳим ота Бекмуродовлар сувдан тежаб-тергаб фойдаланиб, кунлик суғориш нормасини бир ярим-икки баравар бажараётирлар.

Т. ЎРИНБОЕВ.

ТЕХНИКА РЕМОНТИ ЖАДАЛЛАШТИРИЛДИ

«Узсельхозтехника» республика бирлашмасининг Амударё бўлими ишлаб чиқариш бошқармаси хўжаликларининг заказларини ўз вақтида бажармоқда. Бўлим устахонасида кейинги кунларда техника ремонти анча жадаллаштирилди. Устахона 30 та «ДТ-54», 26 та «ДТ-20», 39 та «ДТ-24», 43 та «ДТ-28» тракторини, 36 та насос двигателлари, 62 та сеялка, 179 та борона, 47 та плуг, 8 та чизель ва бошқа машиналарни муддатидан илгари юқори сифатли ремонт қилиб берди.

Хўжаликлардаги ва «Узсельхозтехника» бўлимидаги энг яхши механизаторлар ремонт ишларига жалб қилинган.

И. НУРИМБЕТОВ,
Ж. ЕРИМБЕТОВ.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАН

Шовот ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Чапаев номли колхоз Хоразмдаги кўп тармоқли йирик хўжаликлардан бири. Ўтган йили бу хўжалик 1048 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31,5 центнердан «оқ олтин» топширди. Ҳосилдорлик бир йил ичида гектарига 4 центнер кўтарилди.

Колхоз аъзолари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларидан илҳомланиб янги резервларни ишга солмоқдалар. Бу йил колхозда пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 35 центнерга кўтариш бобида кўкламги экишга пухта тайёргарлик кўриляпти.

Далалар ғўзапоядан тозаланиб, 300 гектардан ортиқ ер шудгор қилинди. 50 гектар партов ер очилиб, оборотга киритиляпти. Пахта майдонларига 13 минг тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит чиқарилди. Хоразм области шароитида ерларнинг шўрини сифатли қилиб ювиш чигитнинг қийғос униб чиқишида асосий ва ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам колхоз партия ташкилоти ва колхоз правлениеси энг тажрибали деҳқонлардан 70 кишини сувчи қилиб бирқитди. Шўр ювиш кеча-кундуз ўтказилмоқда. Ариқлардан далага сув чиқаришда 14 та насос станциясидан фойдаланилмоқда. Ерларнинг шўрини ювишда Машариф Раҳимов, Қурбон Янгибоев, Тўра Қўлдошев бошлиқ бригадалар намуна кўрсатмоқдалар. Улар сувдан тежаб-тергаб фойдаланиб, ҳозиргача 60-70 процент пахта майдонининг шўрини ювиб қўйдилар, Сафо Юсупов, Адамбой Кенжаев, Қурбон Кенжаев каби ўнлаб пешқадам сувчилар кунлик нормаларини икки баравар қилиб бажармоқдалар.

— Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг шу йил 12 мартда Россия Федерациясидаги колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари секретарлари ва бошқарма бошлиқларининг кенгашида сўзлаган тарихий нутқида,—дейди колхоз раиси ўртоқ Бибижон Оллоберганова,— қишлоқ хўжалигини тубдан ривожлантиришнинг энг муҳим резервлари кўрсатиб берилди, ўртоқ Н. С. Хрушчев қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида мажлисбозликдан, бюрократизм ва қоғозбозликдан амалий ишга ўтиш зарурлигини уқтириб кўрсатди. Ўтган йиллари райком ва райижрокомда, обком ва область ижрокомида тез-тез мажлислар бўлиб турарди. Колхозларга устма-уст қарор ва ёзишмалар келиб турарди. Бу эса колхоз активларининг амалий иш билан шуғулланишига қисман ҳалал берарди. Ўртоқ Хрушчев бошқарма мутахассислари ва бошқарма партия комитетлари ходимларининг ўрни далада, фермада деб тўғри кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам сўнгги ойларда ишлаб чиқариш принципи асосида ишнинг ташкил қилинганлиги туфайли бошқарма мутахассислари ва бошқарма партия комитети ходимлари колхоз ишлаб чиқариши билан конкрет шуғуллана бошладилар.

Колхозимиз аъзолари олдида янги улуғвор вазифалар турибди. Биз бу йил пахтачилик билан бирга хўжаликнинг бошқа тармоқларини ҳам ривожлантириш тадбирларини кўрмоқдамиз. Чорвага бўлган муносабатимиз ўзгарди. Давлатга гўшт, сут, тухум сотиш юзасидан берилган биринчи квартал планини областда биринчилар қаторида ошириб бажардик. Колхоз пиллачилари бултур ҳар қути уруғдан 90 килограммдан пилла олган эди. Бу йил улар 97 қути уруғнинг ҳар қутисидан 100 килограммдан пилла олиш юзасидан ташаббус кўтариб чиқдилар. Бу қимматли ташаббус областга ёйилди. Бу йил колхозда 180 гектар маккажўхори, 70 гектар шоли, 90 гектар мош ва нўхат, 50 гектар ерга қовун экилиб, улардан ҳам юқори ҳосил етиштирилади.

С. ИБРОҲИМОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

ШОЛИ—ПАХТА ЙЎЛДОШИ

(Наманган ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинград» колхозининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Мамадали ИКРОМОВ билан суҳбат)

Ернинг бағри кенг, хазинаси турли ноз-неъматларга бой. Ерга меҳр қўйган киши сира кам бўлмайди. Ер меҳр қўйган деҳқонни ноумид қолдирмайди, экин эркалаганни билади. Ер хазинасининг сандиғини очадиган калит ўзимизнинг қўлимизда. Ерни ер қиладиган киши яхши деҳқондир.

Ҳар қандай экиннинг ўз шериги бўлади. Айниқса пахтамизнинг шериги, мададкори, кўмакдоши бўладиган экинлар кўп. Нўхат, маккажўхори, беда, шоли пахтага энг яхши ёрдамчи десак жуда тўғри бўлади.

Мен сизга шоли ерни пахтага қандай тозалаб, тайёрлаб бераётганлигини ўз колхозимиз тажрибасидан сўзлаб бермоқчиман.

Колхозимиз шаҳар яқинидаги территорияда жойлашган. Чигит экиш пайтида бир қарич бўлса ҳам ернинг қочиб қолишига ёки бўш қолишига йўл қўймаслик учун курашамиз. Ахир, кузакда пахтани ҳар бир туп ғўзадаги чаноқлардан териб олинади-да. Илгаридан чигит экиб келинаётган ерлардан яхши фойдаланиб, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига пахта етиштиришни кўпайтириш биринчи асосий резерв бўлса, экин экилмай бекор ётган ерларни ишга солиш иккинчи асосий резервдир. Лекин колхозимиз территориясида бундай бекор ётган ер йўқлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шунинг учун пахта майдонини кенгайтирайлик деб тўқайлардан, қадимдан бекор ётган Марказий Фарғона массивидан янги ер қидира бошладик.

Қора дарё билан Норин дарёси оралиғида Чордара массиви, шунингдек, Олахамак ороли бор. Бу жойлар жуда унумдор бўлуғ ерлар-у, лекин умр бўйи экин экилмаган. Бу ерларда қамиш, ажриқ, қиёқ ва бошқа чуқур илдиз отадиган бегона ўтлар ўсиб, тўқай бўлиб кетган. Колхозимиз аъзолари, тажрибакорлар 1958 йилданоқ ана шу қамишзор, шўр босиб ётган ерларга ҳужум бошлашди. Лекин рост гап биз кўп куч сарф қилсак ҳам ана шу ерларни тезда ер қилолмадик, чигит эксак ғумай, қамиш, ажриқ ўсиб, ғўзани ёшлигиданоқ қисиб қўя берди. Мўлжалдаги ҳосилни ололмадик.

Тажрибакорлар билан маслаҳатлашиб, 1961 йилдан буён янги ер очиб, пахта майдонини кенгайтиришнинг бошқачароқ йўлини тутмоқдамиз.

Биз янги ер очиш учун курашни ҳар йили январь ойидаёқ бошлаймиз. Масалан, 1961 йилнинг бошида 80 гектар янги ер очишга бел боғладик. Қудратли техника ишнинг оғирини ўз елкасига олди.

Ер ҳайдаш олдидан хашакларни тўплаб қуйдирдик. Кул — жуда яхши ва арзон ўғит. Кейин бегона ўтларни таг-томири билан қуритиш чораларини кўрдик. Тажрибакорларнинг маслаҳатига қулоқ солиб, янги ўзлаштирилган ерларни биринчи йили шолипоя қилдик. Шолини 1 июнгача тўла экиб бўлдик. **Деҳқонлар ерим тоза бўлсин десанг шоли эк деб бекорга айтишмаган.** Ўша йили гектаридан 35 центнердан шоли олдик. Шоли экилиши туфайли, биринчидан, шўрни йўқотдик, иккинчидан, бегона ўтларни таг-томири билан қуритдик, учинчидан, ернинг ўнқирчўнқири қолмади. Ер кафтдек текис бўлиб, чигит ҳар бир уяга текис тушадиган шароит вужудга келтирилди.

Бултур ана шу 80 гектар майдонга чигит экилди. Гектаридан 27 центнердан «оқ олтин» териб олинди. Мамажон Собиров, Муродилла Иброҳимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳосил айниқса мўл бўлди.

Колхозимиз ўтган йили ҳам янги ер очиб, шолипоя қилди, давлатга шоли сотиш планини ортиғи билан бажариб, мамлакатга салкам 50 тонна шоли етказиб берди. Бундан ташқари колхозчиларга 210 тоннадан кўпроқ шоли тақсимланди.

Биз саккизта профиллир насос ёрдами билан сув чиқариб, бўш ётган ерлардан биринчи йили шолипоя сифатида фойдаланмоқдамиз, келаси йили чигит экяпмиз.

Жонажон партиямизнинг XXII съезди тарихий қарорларидан илҳомланган колхозимиз аъзолари мамлакатга йилдан-йилга кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш учун курашмоқдалар. Партия, ҳукуматимизнинг совет пахтакорлари тўғрисида қилаётган доимий ғамхўрликларидан илҳомланган колхозимиз аъзолари бу йил янада улуғ ишга отланишди. «Ленинград» колхозининг аъзолари кўпчиликни ишонтириб, 1900 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтарамиз, мамлакатга 7 минг тонна пахта етказиб берамиз демоқдалар.

Ҳозирги кунгача минг гектардан ортиқроқ ер шудгор қилиниб, экишга тайёрлаб қўйилди. **160 гектар янги ерга бу йил биринчи марта чигит экамиз.** Биз чигит экишни янги ердан бошлаймиз. **Биз 1900 гектар майдоннинг ҳаммасига чигитни квадрат-уялаб экамиз, шу жумладан 950 гектар ерга чигит уяга уруғни аниқ ташлаб кетадиган сеялка билан экилади.** Чигитни шу усулда экиш бизга харажатларни анча камайтириш, механизациядан иложи борича тўла фойдаланиш имконини беради. Ҳозир барча агрегатларнинг экипажлари мавсумга шай бўлиб турибди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони мохир механизатор Исоқжон Эгамбердиев ўз иш тажрибаларини ҳамма механизаторларга қунт билан ўргатяпти.

Чигит экишга пухта тайёргарлик кўриш билан бирга янги ер очиб, шоли экишга ҳам астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. **Бу йил экин майдонимизнинг ёнига яна 78 гектар янги ер қўшилади.** Ҳозир шундан 30 гектари тайёр. Тез орада қолган 48 гектар майдон ҳам тайёр бўлади. Ўртоқ Нурбой Мамадалиев бошлиқ шоликорлар бу йил ҳар гектар майдондан 60 центнердан шоли олишни мўлжалламоқдалар. Мамлакатга бу йил 7 минг тонна «оқ олтин», бултургидан кўпроқ шоли етказиб бериш ватанпарварлик бурчимиздир.

Мамлакатга пахта ҳам, гўшт, сут, ёг ҳам, шоли ҳам керак. Қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчев яхши либосга яхши таом ярашади деб жуда тўғри айтди. Пахта, гўшт, шоли қанча мўл бўлса, фаровонлигимиз шунча яхшилана беради.

Биз дарёларнинг ёқасидаги, ороллардаги бекор ётган ерларни ўзлаштириб, тобора кўпроқ шолипоя қилаверамиз. Шоли — пахтага мададкор. **Шоли ерни шўрдан, ўтдан тозалаб, текислаб беради.** Шолипоя кенгайди деган сўз бизнинг колхозимиз шароитида келгуси йили пахта майдони ҳам кенгаяди, ҳосилдорлик ҳам ортади деган маънони билдиради.

Республикамиз бу йил мамлакатга 3 миллион 566 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олди. Биз бу олижаноб вазифага муносиб ҳисса қўшиш учун белимизга ғайрат камарини маҳкам боғлаймиз.

КЎКЛАМ КУТИБ ТУРМАЙДИ

Ромитан районидаги Ленин номли колхоз пахтакорлари ўтган йили планни 80 процент бажариб, давлатдан анча «оқ олтин» қарздор бўлиб қолган эдилар. Бу доғни ювиш учун колхоз пахтакорлари дала ишлари суръатини кучайтиришлари, ҳосилдорликни ошириш учун барча резервларни ишга солишлари керак эди.

Афсуски, фурсат ўтиб кетаётганига қарамай, колхозда чигит экишга тайёргарлик ишлари бу йил ҳам пайсалга солинмоқда. 250 гектар ер ҳалигача ҳайдалмаган.

Ерларни текислаш, ариқ-зовурларни тозалаш, шўр ювиш ишлари ҳам қониқарсиз бораётир. Ҳосилдорликни оширишнинг ишончли манбаи — ўғит тўплашга бефарқ қаралмоқда. Шунинг оқибатида колхоз бўйича ҳозиргача 7000 тоннадан ошиқроқ гўнг жамғарилди.

Чигит экишнинг қисқа муддатда, сифатли ўтиши техниканинг шайлигига боғлиқ. Лекин колхозда қудратли техника воситаларидан унумсиз фойдаланилмоқда, ремонт ҳам пайсалга солинаётир. Далага ўғит ташишда 8 тележканинг фақат иккитаси, 24 от-араванинг 15 тасигина қатнашмоқда, 19 та «КПН» агрегатининг 14 таси бекор турибди.

Чигит экишга саноқли кунлар қолганига қарамай, «универсал» ва сеялкаларни ремонт қилиш колхоз раҳбарларининг эътиборидан четда қолмоқда. Техника ремонти учун ажратилган кишилар бошқа ишлар билан банд қилиб қўйилганлиги оқибатида ҳар бир трактор устахонада бир ярим-икки ойлаб қўл тегизилмасдан туради. Тракторчи Истам Ражабов запас қисмлар етишмаслиги ва ёрдамчи механизаторлар йўқлигидан бир тракторни икки ойдан буён ремонт қилолмаётганлигини айтди. Ҳозиргача 436 борона, 16 сеялка далаларда қўл тегизилмасдан турибди. На колхоз раиси Ниёз Раззоқов, на механизация бўйича раис ўринбосари Ашрап Файзиев қишлоқ хўжалик машиналарини экишга шай қилиш ҳақида қайғармаётир. Ғанимат фурсат эса ўтиб кетмоқда.

Р. ХОЛЛИЕВ.

МЕҲНАТИГА ҚАРАБ

Мирзачўл тобора чекиняпти. Чўл ўрнида йирик пахтакор, боғдорчилик хўжаликлари ташкил топяпти. Она-Ватан янги ердан неча минг тонналаб «оқ олтин» оляпти. «Пахтакор» совхози Янгиердаги кенжа хўжаликлардан бири. Фидокор коллектив ўтган йили чўл қийинчиликларини енгиб, пахта тайёрлаш планини бажарди, ҳосилдорликни кўзда тутилгандан анча оширди. Пахтакорларимиз чўлнинг «тили»га тушундилар, астойдил меҳнат қилган киши бу ерда олтин ундириши мумкинлигига ишонч ҳосил қилдилар. Шу сабабли 1963 йилда хўжалик олдида турган катта вазифаларни бажаришга ҳам комил ишонч билан киришдилар.

Биз пахтачиликни механизацияга таянган ҳолда ривожлантиряпмиз. Шу сабабли қўл меҳнати анча енгиллашиб, ишчиларнинг моддий-маданий фаровонлиги тобора яхшиланяпти, шахсий манфаатдорлиги ошяпти. Янги совхозларда иш ҳақи етиштирилган ҳосил миқдорига қараб тўланади. Кўп, юқори сорт пахта етиштирган деҳқонлар катта даромад оладилар.

Масалан, биринчи агроучастка ишчилари ўтган йили жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилдилар ва давлатга пландаги 779 тонна ўрнига 1219 тонна пахта сотдилар. Улар пландан ташқари сотилган 440 тонна пахта эвазига 62 минг сўм мукофот олдилар.

Комсомол аъзоси Бекмирза Ўралов сувчи бўлиб ишлайди. Ҳар ойда 125-130 сўм маош олади. Хўжалик йили якунлангач ўртоқ Ўралов мукофот тариқасида яна 1109 сўм пул олди. Ёки унинг йиллик даромади 2300 сўмдан зиёд бўлди. Оддий ишчи Мусир Жумабоевнинг даромади ҳам шундан кам бўлмади.

Ёки бошқа бир мисол: иккинчи агроучастка ишчилари пландаги 931 тонна ўрнига 1285 тонна «оқ олтин» етиштириб, яхши кўрсаткичга эришдилар. Ҳалол меҳнат юксак баҳоланди. Агроучастка ишчилари 18900 сўм мукофот олдилар.

Ўртоқ Нормуродов 1962 йилнинг бошида собиқ Ғаллаорол районидаги Шверник номли колхоздан «Пахтакор» совхозига ишга келиб, 161 гектарлик участкада бригадир бўлиб ишлади. Бригада аъзолари ҳар гектар ердан 16 центнердан ҳосил кўтардилар. Давлат плани ошириб бажарилди, пахтанинг сорти юқори бўлди, ҳар центнер пахта етиштиришга пландагидан анча кам маблағ сарфланди. Бунинг натижасида ҳар бир ишчи 1300-1500 сўмдан қўшимча даромад олди. Ўртоқ Нормуродовнинг ўзи 1440 сўм қўшимча даромад олди.

Совхозимиз ишчилари бу йил пахта майдонини 1615 гектар кенгайтириб, 3900 гектарга етказдилар. Ўтган йили бой тажриба тўплаган миришкор деҳқонларимиз ҳосилдорликни гектар бошига 25 центнерга етказиш учун социалистик мусобақа бошладилар. Уларнинг бу ташаббусига комсомол йўлланмаси билан совхозимизга ишга келган ёш ватанпарварлар қўшилдилар. Донгдор пахтакор, республикада хизмат кўрсатган механизатор Матлуба Назарова бошлиқ бригада аъзолари 209 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштириш учун кураш бошладилар. Матлубанинг ўзи машинада 150 тонна пахта теришга аҳд қилди.

Ёшлар илғорларнинг бой тажрибасини қунт билан ўрганмоқдалар. СССР Олий Советининг депутати Ғайбулло Урдушов, Нормамат Мусуров, Исақул Омонов ва бошқа чўл лочинларининг тажрибаси кенг оммалаштирилмоқда.

Ёш пахтакорларга механизаторлик касбини эгаллаши учун амалий ёрдам берилмоқда. Бу йил совхоз комплекс механизацияга кўчади. Чигит экишдан тортиб, пахта йиғим-теримигача бўлган ҳамма ишлар механизмлар ёрдамида бажарилади, камида 70 процент ҳосил машинада териб олинади. Шу кунларда 66 универсалга сеялкалар осилиб, чигит экишга шайлаб қўйилди. 36 та пахта териш, 7 кўрак чувиш агрегатлари ҳам тахт. Ўтган йили совхозимиз бўйича 2513 тонна пахта етиштирилган эди. Бу йил ана шу рақамни камида уч-уч ярим баравар кўпайтириш чораларини кўряпмиз.

Хўжаликнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш соҳасида ҳам анча ишлар қилинди. Янги боғ-роғлардаги мевали дарахтлар ҳосилга кирай деб қолди. Яқин йилларда яна 500 гектар ерда боғ ва токзор барпо қиламиз, 30 гектар майдонда мева дарахти ва 50 гектар ерда ихота дарахти кўчатзори ташкил қилинади. Шу йилнинг ўзидагина шаҳар меҳнаткашларига 240 тонна сабзавот, 120 тонна картошка, 680 тонна қовунтарвуз туҳфа қиламиз.

«Пахтакор» совхози Сирдарё областининг кўп тармоқли, экономикаси мустаҳкам, бадавлат хўжаликларидан бирига айланади. Бунинг учун ҳормай-толмай меҳнат қилиш талаб этилади. Халқимиз меҳнатдан қочмайди.

З. САНАҚУЛОВ,
Янгиердаги «Пахтакор» совхозининг директори.



ЯНГИЙЎЛ районидаги «Ленинизм» колхозида маккажўхори экиш қизғин бормоқда. 85 гектар ерга дон учун, 115 гектар ерга силос учун маккажўхори экилади. СУРАТДА: 8-бригадада маккажўхори экилмоқда.

Р. Салов фотоси.

Хатларингизга жавоб берамиз

ВРАЧ ТАРТИБГА ЧАҚИРИЛДИ

Редакцияга келган хатларнинг бирида Тўрткўл ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Қизил Ўзбекистон» колхози касалхонасида бош врачлик вазифасини бажарувчи М. Қозоқов касалхона ходимлари ва беморлар билан қўпол муомалада бўладиган, бирор киши танқид қилса унга мушт кўрсатадиган бўлиб қолди, дейилган эди.

Бу хат юзасидан Тўрткўл ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети текшириш ўтказган. Текшириш якуни район медицина ходимлари касаба союзи йиғилишида муҳокама қилинди, ўз вазифасига совуққонлик билан қарагани, касалхонада санитария қоидаларига риоя қилмаганлиги ва қўпол муомалада бўлганлиги учун врач М. Қозоқовга қаттиқ виговор эълон қилинди.

РЕАЛ МАЖБУРИЯТЛАР

Қува ишлаб чиқариш бошқармасининг меҳнаткашлари партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, бу йил она-Ватанга 69 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Бошқарма партия комитети ўзининг бутун фаолиятини колхоз ва совхозлар ишлаб чиқаришини ривожлантиришга, янги резервларни ишга солишга қаратмоқда.

Бошқарма хўжаликларида кўклам дала ишлари тобора авж олдириляпти. Биз пахтачиликни ривожлантиришда машъал хоразмликлардан ибрат олиб, уватларни экин майдонларига қўшиб юборяпмиз. Жданов номли, «Коммунизм», Ленин номли колхозларнинг ўзидагина пахта майдонлари анча кенгайди. Уватларни тугатиш ҳисобига бошқармамиз бўйича пахта майдони қарийб 250 гектар кенгаяди.

Ғўза зараркунандаларига қарши кураш ишларини ер ҳайдаш билан бир вақтда бошлаб юбордик. Ҳайдаш олдидан гўнгга гексохлоран аралаштириб ерга солишни ташкил этдик.

Устьлабинскликлар ва янгийўлликларнинг ташаббуси бошқармамиз хўжаликларида кенг қўллабқувватланмоқда. Бошқарма бўйича ҳар гектар ердан камида 25 центнердан пахта етиштириш учун бригадаларда кураш қизиб кетди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва янги марраларни эгаллашда ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари олдига катта вазифалар қўйилган. У ҳам бўлса, коммунистларни, ҳамма меҳнаткашларни ишлаб чиқариш планларини бажаришга, коммунизм қурилишининг партия XXII съезди қабул қилган Программасини бажаришга отлантиришдир. Биз бунга амал қилмоқдамиз. Парткомнинг инспектор ташкилотчилари бевосита омма ичида бўлиб, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган масалаларни оператив ҳал этмоқдалар. Партком бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда одамларнинг ташаббусини оширишга, кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйишга, илғор тажрибани ўрганиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этишга интилмоқда.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Россия Федерациясидаги колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари секретарлари ва бошқарма бошлиқларининг кенгашида сўзлаган ёрқин, мазмунли нутқида бутун ишимизни ташкил қилиш йўллари кўрсатиб берилди. Биз ташкилотчилик ишларини янада кучайтириб, зиммамизга юкланган улкан вазифаларни муваффақиятли бажаришга эришамиз.

Д. СУЛТОНОВ,
Қува ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари.

АБАДИЙ НАВҚИРОН САЛОМ ОДИЛ ҲАҚИДА ҚЎШИҚЛАР КУЙЛАНАДИГАН ЗАМОН КЕЛАДИ!

Бугун газетамизда эълон қилинаётган ўртоқ Салом Одилнинг ҳаёти тўғрисидаги кичик ҳикоя ҳаёти ва ўлими ҳам таҳсинга лойиқ бўлган кишини яна бир бор эслатади. Мен унинг қатл этилганлиги тўғрисидаги хабарни уйимдан анча олисда эшитдим ва Салом Одилни шахсан таниганлигим учун унинг ўлими мени ларзага солди. Салом Одил билан суҳбатларимиз тўғрисидаги хотиралар, унинг тинглаш, одамни тинглаш ва кузатиш, катта ва кичик всҳеаларга баҳо бериш одати хотирамда чуқур из қолдирди. Даҳшатли хабарни эшитгач, бу кишининг сиймоси шундай ажойиб, шундай чуқур бир куч билан яна намоён бўлдики, ҳатто бошқа кишилар билан бошқа темада гаплашаётганимда ҳам, бошқа нарсалар тўғрисида ўйлаётганимда ҳам беихтиёр у ёдимга тушарди.

Биз Бағдодда у билан ёшнинг иссиқ кунларининг бирида учрашдик. Уша кунларда бу қадимий, тарихи ва таҳдири оғир бўлган мамлакат ерларини қуёш шундай қиздирган эдики, ҳатто ботинканинг қалин таг чармидан ҳам иссиқ ўтар,худди қуёш ҳамма жонли нарсани қуритиб юбормоқчи бўлганидек, тер ҳам бугланиб кетар эди. Тор кўчалар, турли-туман уйлар ва кулбалардан ташлиб топган, сариқ чанг босган Бағдодда ҳаёт гўё туш пайтида тўхтаб қолар, иссиқдан беркинарди. Ғижирлайдиган ёғоч уйнинг учинчи қаватидаги кичкина хонада бизни, совет журналистларини ўртоқ Салом Одил кутиб ўтирарди. Ҳали мутлақо ёш ва шу билан бирга кураш тажрибаси, қамоқда ўтказилган йиллар, яширин иш олиб борилган йиллар, очлик ва муҳтожлик тажрибаси билан камолга етган бу киши тўғрисида биз кўп нарса эшитган эдик. Бундай ҳолларда, деярли ҳамма вақт бўлгани каби, биз тасаввур қилганга ҳеч ўхшамаган:уятчан, деярли ҳамма вақт қора мўйлавли лаби кулиб турадиган, ёқаси очиқ оқ кўйлак кийган, ориқ, ҳатто жуда ҳам озғин киши қўлимизни қисиб кўришди.

Қаҳрамонларга мутлақо ўхшамайдиган киши.

У шоширилб гапирди ва дарҳол кечирим сўраб, бу— подпольечнинг одати эканлигини тушунтирди. Фақат бир-биримизга нўнноқ ёки бошқача қилиб айтганда бир тўлқинга тушиб олганимиздан сўнг Салом Одил жонланиб кетди, бемалол сўзлай бошлади. У ўзи ҳақида сўзламасди, ўртоқлари, мамлакати, халқи тўғрисида гапирарди. Тез-тез у ойнага, сабзавот юкланган деҳқонлар араваси ўтиб бораётган, болалар ўткир овозлари билан йўловчиларга бир стакан сув ёки шарбат, газета ёки сигарет пачкасини таклиф қилаётган томонга қараб қўярди. Кўчаларнинг кечга томон нучайган шовқини Салом Одилга куч бағишлар ва унинг гапларидан аста-секин Ироқ коммунистининг ўз мамлакатини озод ва бахтли, ҳозирги асрга қадам қўйган ҳолда кўриш орзуси намоён бўларди. Салом Одил Совет Иттифоқининг, совет кишиларини шундай очиқ кўнгиллик билан ва самимий севар эдики, ўз халқини севадиган, унга бахт-саодат тилайдиган кишигина шундай сева олади. У чинакам мустақил Ироқнинг куч-қудрати ва асл келажаги Совет Иттифоқи билан, социалистик мамлакатлар билан дўстликда эканлигини, ана шу дўстликка таянишда эканлигини тушунарди.

Биз суҳбатлашаётганимизда хонага ўн иккн ёки ўн тўрт ёшлардаги ориққина бола тез-тез кириб турди. У гоҳ стаканда сув, гоҳ гугурт келтирар, гоҳ ўртоқ Салом Одилга ниманидир шивирлаб айтарди. Бола бу ерда ўз одами эканлиги, у фақат болагина эмас, ўртоқ ҳам эканлиги сезилиб турарди.

Бир неча соатдан сўнг биз Салом Одил билан хайрлашдик. Зинапояда хонага бир неча бор кирган ўша бола турарди. Мен «Йўлдош парвозда» эканини олиб, боланинг ранги ўнгиб кетган кўйлагига қадаб қўйдим. Ёш дўстимизнинг чарос наби қора кўзлари бир дақиқа илиқ нур билан ялтираб кетди. Хайрлашаётиб мен уни бағримга босдим ва кўйлаги остида қандайдир қаттиқ нарса борлигини сездим. Бола қизариб кетди, ўртоқ Салом Одил эса кулиб қўйди:

— Дўстимизнинг кўйлаги остида қандай сир борлигига ҳайрон бўлаётганга ўхшайсиз, — деди хотиржамлик билан у.— Кўрсат-чи,— деди у болага.

Бола кўйлагини кўтарди, мен камарга осилган оғир тўппончани кўрдим. Бола сирни очилганини ёқтирмагандай бошини силкитиб кетиб қолди. Биз бир дақиқа жим қолдик, сўнгра Салом Одил тушунтирди:

— У болага ўхшайди, лекин ўн еттига кирди, у бирталикда курашаётган ўртоғимиз, отасини Нури Саиднинг жаллодлари отиб ташлашган. Жасур бола, Қосим айғоқлари унга ўқ отишадиган бўлса — қўрқиб қочмайди. — Сўнгра Салом жим қолди ва ўз фикрини шундай тугатди:

— Ҳар қолда ҳамма болалар ва ҳамма ўсмирлар натта киши бўлиб етишади. Бу бола эса ишонаверинг, чинакам киши бўлиб етишади.

Ҳозир, Салом Одил йўқ чоқда, унинг хайрлашув сўзлари менга айниқса аҳамиятли бўлиб кўринади. Ҳа, ростдан ҳам шундай. Ҳамма болалар ва ҳамма ўсмирлар улғаядилар, ҳамма ҳаётда ўз йўлини танлаб олиши керак. Ҳаётда эса чап бериб, гап сотиб бўлмайди. Аниқ мақсад кишини бахтли ва мангу қилади. Қаҳрамон коммунист Салом Одил Ироқ халқи ва бошқа кишилар хотирасида ана шундай мангудир.

А. АДЖУБЕЙ.

★ ★ ★

ЁШЛИК ВА ЕТУКЛИК ЙИЛЛАРИ

У 1924 йилда Нажаф шаҳрида ишчи оиласида туғилди. Мактабни битиргач, ўртоқ Салом Одил Бағдоддаги педагогика билим юртига ўқишга кирди. Рассомликдан дарс берди. У талантли рассом бўлибгина қолмай, ажойиб публицист ва шоир ҳам эди. Бағдод, Басра, Ад-Девонийнинг ишчи районларида уни яхши билишар ва севишарди.

Салом Одил Совет мамлакати ҳақида жуда ёшлигидаёқ эшитди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида у бошқа кўп ироқлик ёшлар каби Совет Армиясининг жанговар ҳаракатлари ҳақидаги ҳар бир хабарни эшитишга ошиқарди. У фронт сводкаларини диққат билан кузатиб борди ва кўпинча янгиликларни дўстлари билан ўртоқлашди. Студентлар ётоқхонасида совет солдатларининг қаҳрамонлиги тўғрисида, ўз Ватанининг чинакам эгаси бўлиб қолган ишчилар ва деҳқонлар, камбағаллар, ўша кунларда эса фашист босқинчиларига қарши курашда ўз Ватанини ҳимоя қилаётган солдатларнинг қаҳрамонлиги тўғрисида кўпинча рухланиб гапирарди. Студентлар унга: «Сен коммунистсан-ку» дейишарди. У эса «Ҳа, мен коммунистман» деб жавоб берарди. Лекин у вақтда Салом ҳали коммунист эмасди...

Подпольеда чиқадиган коммунистик газета бир куни Салом Одил ўқиётган педагогика билим юрти тўғрисидаги хабарни босиб чиқарди. Дирекция бу Ҳусайннинг иши деб ўйлади. Бир куни Салом Одил дарсдалигида ўқитувчи унинг буюмларини титабошлади. Лекин ҳеч нарса топилмади, аммо ишини давом эттирди, бошқа студентларнинг буюмларини титкилай бошлади ва бир студент буюмлари орасидан яширин коммунистик газетанинг бир неча сонини топиб олди. Студентни билим юртидан ҳайдашди, кейин эса қамоққа олишди.

Салом Одил Ироқда коммунистик партия борлигини ана шундай билди. У коммунистлар билан алоқа боғлашга уринди ва 1942 йилда институтни битириб чиққандан сўнг, тез орада бунга муваффақ бўлди. Одил партиядаги ўртоқларининг ҳурмати ва муҳаббатини қозонди. У партиянинг бир неча муҳим топшириқларини маҳорат билан адо этди. Кўп ўтмай У Ад-Девони шаҳрида коммунистик партия шаҳар комитетининг аъзолигига сайланди. «У Совет Иттифоқини чексиз севар ва у ҳақдаги ҳар бир хабарни зўр шодлик билан кутиб оларди, — дейилади ўртоқ Салом Одилнинг дўстларидан бирининг хатида. — Совет Иттифоқига бўлган бу муҳаббат коммунистик подпольенинг мураккаб ва хавфли шароитида унга кўп марта тўғри позицияни белгилаб олишга ёрдам берди. Мамлакатимиз устида қора террор қиличи ўйнаганда, партия устида қора булутлар изғий бошлаганда, Нури Саид жаллодлари уни изма-из қувиб юрганда, ўртоқ Одил партиямиз ҳаётидаги энг оғир, энг хавфли дақиқаларда бизга Совет коммунистларининг қаҳрамонликларини эслатар ва бу билан қалбимизда жасорат ва ишонч туғдирарди».

Салом Одил дўстларининг хатлари бизга у Бағдодга чақирилган даврдаги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. У Бағдодда ким билан учрашишни билмас эди. Бу ерда уни биринчи бўлиб Ироқ Коммунистик партияси Сиёсий Бюросининг аъзоси Закий Басим Ироқ Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Фахед номи билан машҳур бўлган бош секретари Юсиф Салман ва Сиёсий Бюронинг бошқа аъзоси Хусайн али Шабиби билан биргаликда Нури Саид жаллодлари томонидан қатл этилган ўша ўртоқ Закий Басим) кутиб олди. Ўртоқ Закий Басим ҳеч нарса тушунтирмай, Салом Одилни Бағдод кўчаларидан бошлаб кетди. Кичкина боғда Салом Одил ва Фахед номи билан машҳур бўлган Юсиф Салман қўл бериб кўришишганда кеч кириб қолган эди.

— Бу киши билан ҳамма нарса тўғрисида гаплашишинг мумкин,— деди Закий Басим.

Ўртоқ Фахед Ад-Девони шаҳри ишчиларининг қайфиятини суриштирди, Салом Одил шу шаҳардан келган эди.

— Сиз мендай кишилар билан учрашиш учун вақт топасизми? деб сўради Салом Одил.

— Сендай кишилар билан учрашиш менинг бурчим,—жавоб берди Фахед.—Сен билан, коммунист билан учрашмай, сўзлашмай бўладими.

— Унчалик эмас, мен ҳозирча партия аъзолигига кандидатман.

— Йўқ, сен партия аъзосисан, бундан бир ой олдин сенинг партия билетингга имзо чекканман. Зотан, ўртоқ Закий Басим сенга партия лақаби ҳам топиб қўйган— Мухтор (Мухтор—арабча сайланган демакдир). Розимисан?

Салом Одил Марказий Комитет аъзолигига сайлангунга қадар ана шу «Мухтор» лақаби билан маълум эди. Ўртоқ Фахед билан суҳбатлашгандан сўнг у Ад-Девони шаҳрига қайтиб келди, лекин кўп ўтмай ишсиз қолди. У яна Бағдодга келди ва бу ерда кўчада жигар кабоб сотишга мажбур бўлди.

САЛОМ ОДИЛНИНГ ХОТИНИ ХАТИДАН

«Мен Одил билан танишмасимдан олдин ҳам у партия жангчиси ҳақида кўп эшитган эдим. Уша вақтда уни ўқитувчилик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишганди. Лекин Одил ҳақида кўп яхши гаплар ва одатдан ташқари сўзларни эшитган бўлсам ҳам, уни ўз кўзим билан кўриб, қўлини қисиб кўришгач, эшитганларимнинг ҳаммаси нурсизланиб қолди. Мен уни севиб қолдим ва кўп ўтмай унашиб қўйилганлигимиз эълон қилинди. Биз кўёв ва қайлиқ бўлиб қолдик... Одил ўз муҳаббатини изҳор қилган хатида шундай деб ёзган эди: «Озгина маош оладиган ўқитувчига эрга чиқмоқдаман деб ўйлама. Агар сен менга хотин бўлсанг, жуда катта қийинчиликларни кўрасан. Мени ҳар минутда қамоққа олишлари мумкин, агар тюрьмага тушиб қолсам, сенга ёрдам бера олмайман. Ота-оналарим ҳам сенга ёрдам бериша олмайди. Ҳалок бўлиб кетсам, сенга ўзим ҳақимда фақат хотира қолдираман, холос».

Салом Одил ушбу хатида қайлиғига коммунистга хотин бўлмасдан олдин ҳамма нарсани ўйлаб, ўлчаб кўриши учун бир қанча вақтгача учрашмасликни таклиф қилади. Қайлиғи эса ҳамма нарсани ўйлаб, ҳаммасини мезонга солиб кўриб розилик беради.



У Салом Одил қамоққа олинган куни розилик берган эди. Улар тўрт йилдан сўнг учрашадилар...

Салом Одилнинг дўстлари, у билан биргаликда 1950 йилда қамоқда ётган дўстларининг хатларидан бошқа коммунистлар каби у ҳам ҳатто қамоқда Нури Саид ва унинг жаллодларини даҳшатга солганлигини билиб оламиз. Ўртоқлари унинг ўзини тута билишига, фазилатларига қойил қолишарди. Одил тюрьмага ташланган сўнг бир неча ой ўтгач, қамоқдаги коммунистларнинг яширин йиғилишида у нолегал тюрьма кутубхонасининг раҳбари қилиб сайланди. Бу жуда муҳим иш эди. Кейинчалик Салом Одил дўстларига бу ишни уддалай олганлигини фахрланиб гапириб берди. Кутубхонада Маркс ва Ленининг, Гоголь ва Горькийнинг асарлари бор эди.

Тюрьмада ўртоқ Салом Одил хат ёзиб, унга «Менинг ҳаётим» деб сарлавҳа қўйди. Бу ҳужжатда шундай дейилади: «Биз, коммунистлар, халқ бахт-саодати учун курашда қўрқмас бўлишимиз лозим. Биз ўз ғалабамизга ишонамиз. Ғалаба қилгач, империализм малайларининг ва империализм малайлари малайларининг жазосини бера оламиз». Бу хат тюрьма бошлиғининг қўлига тушиб қолади. Унга коммунистик пропагандаинг муҳим ҳужжати деб қарайдилар, хатдан суд вақтида Салом Одилга қарши далил сифатида фойдаланадилар. Суд процесси давомида судьялардан бири Одилдан:

— Империалистларнинг қимлиги маълум. Империалистларнинг малайларининг кимлиги ҳам маълум. Лекин империалистлар малайларининг малайлари кимлар? Кимларни кўзда тутгансиз? — деб сўради.

— Империалистлар малайларининг буйруқларини бажарувчилар малайларининг малайидир, — деб жавоб берди Салом Одил, судьяларнинг юзига тик караб.

— Демак, бизларни кўзда тутганмисиз? — деб сўради судья.

— Фақат сизларни эмас, — жавоб берди Одил, — сизларга ўхшаганларни ҳам, халқни қамоққа ташлаётганларнинг ҳаммасини, бечора халқимни таъқиб қилаётганларнинг ҳаммасини кўзда тутганман.

Бу дангал жавобни эшитиб, судьялар қутириб кетишди. Салом Одилга қамоқ муддати узайтирилди. Бундан ташқари у қатиқ қийноққа — товонларига дарра уришга ҳукм қилинди. Юз дарра. Жаллодлар Салом Одил бу қийноқни жасурлик билан писанд қилмаганини кўргач, юз эллик дарра уришга қарор қилдилар. Салом Одилнинг хатини топиб олган тюрьма бошлиғи қаҳрамон устига энгашиб:

— «Яшасин Нури Саид» деб бақирсанг, уришни тўхтатамиз,— деди.

— Яшасин Фахед! — жавоб қилди Салом Одил.

Буни эшитган тюрьма бошлиғи вахшийлашиб кетди. У Салом Одилнинг қорнига тепа бошлади. Кейин уни ўрнидан тургазиб, икки қаторга саф тортиб турган жаллодлар орасидан ўтказишди, жаллодлар уни калтаклашди.

«Ўша куни мен ўртоқ Одил билан учрашдим, — дейилади унинг дўстларидан бирининг хатида.— Унинг афти ангори жуда ўзгариб кетибди, лекин иродаси синмаган. У оёғида тура олмасди, аммо мен унга партия саломини топширганимда, юзига табассум югурди. Унинг сочи қирдирилган эди». «Сенга нима бўлди, — деб сўрадим». «Биродар, ҳали сен билмайсанми,— жавоб берди у.— Сочим жуда қалин, қирдириб ташладим. Нима, жуда хунукми? Хунук бўласа бордир, лекин ҳозир ҳамма шундай қилади». Қийноқдан сўнг у ўзини ана шундай тутди. Бу 1950 йилда бўлган эди».

Бошқа хатда шундай сўзларни ўқиймиз: «У тюрьмадан чиқаётганда тантанали учрашув ташкил этдик. Ҳаммамиз тюрьма дарвозаси олдида тўпланиб қўшиқ айтдик. Бу қўшиқни у севишини биларди.

Эй партия сафига кираётган,
Мен ҳам сенга ҳамроҳ бўлайин,
Мен ҳам сенга бўлайин йўлдош.
Агар партияга керак бўларкан,
Қалбимни жанглар оловида ёқ.
Нақадар узун тюрьмада қунлар.
Қандай эзгу ишлар қилган
бўлардим...
Юрагимни олгин-у, жанг
оловида ёқ,
Ахир юрагим сенга зарур,
партия.

Шундай қилиб, Салом Одил озодликка чиқди, дўстлари орасига қайтди.

САЛОМ ОДИЛНИНГ ХОТИНИГА ЁЗГАН ХАТИДАН

...«Уйланишимиздан олдин сенга шуни айтмоқчиманки, менинг на моддий воситаларим, на мулким, на юксак дипломим, на доимий ишим бор. Мен рост айтяпман, мутлақо камбағалман, оддий ишчи оиласиданман, лекин оиламиз ўзининг ҳалоллиги ва яхши номи билан маълум. Менинг бутун инсоният учун энг ёркин келажак йўлида курашаётган коммунистнинг партиявий номимдан бошқа ҳеч нарсам йўқ. Мен ўз ҳаётимни шу муқаддас ишга бағишлаганман, менга хотин бўлишни сенга таклиф қилар экаман, ҳаётим ўзимга тегишли эмаслигини айтишим зарур эди ва шуни айтдим. Хавф-хатар, қамоқка олиш, қийноқ, мамлакатимнинг ҳамма соф виждонли жангчиларига таҳдид қилаётганидек менга ҳам доимо таҳдид қилиб туради. Лекин мен виждонан ва қатъий ваъда беришим мумкинки, агар мен ҳаёт бўлсам, синфий душманларимиз бошигача кўмилиб кетган ёвузлик ва ифлослик бўлмайдиган жойда сенинг соф ҳаёт кечиришинг учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қиламан!»...

САЛОМ ОДИЛНИНГ ХОТИНИ ХАТИДАН

«Биргаликда ўтказган йилларимизда ғамгин саҳифалар йўқ. Биз бир-биримизни тушунмаган пайтлар ҳеч қачон бўлган эмас. Машаққатлар ва моддий қийинчиликларга қарамай, биз биргаликда ўтказган ўн йил давомида доимо устимизда турган хавфга қарамай, биз душманлардан яшириниб подпольеда ўтказган йиллар катта бахт йиллари эди. Бу йиллар халқимизнинг бахтли келажагига зўр ишонч йиллари эди. У коммунист учун энг муҳим нарса партия ва халқ олдидаги ўз бурчини бажаришдан иборат эканлигига ўзи қандай ишонса, ҳамма дўстларини шундай ишончга ўргатди. У партия олдидаги бурчини бажариш— инсон ҳаётидаги энг буюк бахт дер эди. Душманлар бизни қандай шароитда яшашга мажбур қилмасинлар, кўп тўсиқлар дўстларимизга арзимас нарса бўлиб кўринарди, чунки улар умумий ишга хизмат қилардилар. Вақт ўтган сари мен уни тобора яхшироқ била бордим ва унинг теран ақлига, унинг софлигига, унинг юксак ахлоқ принципларига ва, ниҳоят, унинг мардлигига қойил қолмай туролмасдим. У ҳаммамиз учун тобора яқинроқ ва қадрлироқ бўлиб борарди».

Салом Одил тюрьмадан чиққандан сўнг жанубда партия ташкилотига раҳбарлик қилди ва мамлакатнинг йирик саноат маркази— Басрадаги ишга кўп куч ва ғайрат сарфлади...

У КПСС XXII съездидан сўнг ватанига қайтаётганида дўстлари:

— Ўзингни эҳтиёт қил, — дейишди.

— Менинг ҳаётим партия учун зарурлигини биламан,— деб жавоб берди у. — Ўзимни эҳтиёт қилиш учун ҳамма чорани кўраман, лекин омон қоламанми, йўқми — билмайман...

Бир дақиқа тўхтаб, сўнг давом этди:

— Мен жангга кетаётган ва у ердан қайтиб келадими, йўқми— билмайдиган солдат кабиман. Лекин қатъий ваъда беришим мумкинки, партиям иши учун, халқимнинг бахт-саодати учун кучимни ҳам, жонимни ҳам аямайман.

Афсонавий Фахеднинг шогирди ва дўсти коммунист ўртоқ Салом Одил ана шундай эди.

Унинг номи абадий ўчмасин!

«Известия»нинг илтимосига мувофиқ «Новости» матбуот агентлигининг (АПН) чет элдаги мухбирлари ўртоқ Ҳусайн Ар-Ради (Салом Одил)нинг ҳаёти тўғрисида унинг Нури Саид режимн йилларида олиб борган нурашига оид материалларни тўпладилар. К. Непомняшчий шу ҳужжатлар асосида ушбу материални тайёрлади.

«ИЗВЕСТИЯ»ДАН.

Редактор ўринбосари
А. ИСМОИЛОВ.

ТУРЛИ мамлакатлардан ХАБАРЛАР

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН

КОБУЛ, 22 март. (ТАСС). Жалолобод канали суви билан суғориладиган ерларда давлатга қарашли тўртта механикалаштирилган қишлоқ хўжалик фермалари ташкил этиш юзасидан Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида тузилган битим имзоланди. Жалолобод канали Совет Иттифоқининг техника ёрдами билан қурилмоқда.

Совет Иттифоқи 10 минг гектар майдонни эгаллаган ана шу фермаларни ташкил этишда, шуннигдек 14 минг гектар майдонда ирригация-мелиорация ишларини бажаришда 1967 йилгача Афғонистонга техника ёрдами кўрсатади.

Афғонистон ҳукумати номидан битимни имзолаган жамоат ишлари министрлиги бошқармасининг бошлиғи— Муҳаммад Тоҳир ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди: «Бизнинг халқимиз Совет Иттифоқининг Афғонистонга қандай катта ёрдам кўрсатаётганлигини яхши билади. Тўрт ферма ташкил этиш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши афғон халқи учун жуда катта аҳамиятга эгадир».

КУБАГА ҚАРШИ ДЕКЛАРАЦИЯ

САН-ХОСЕ, 20 март. ТАСС мухбири Франсиско Гамбоа хабар беради:

Коста-Рика ташқи ишлар министри Даниэль Одубер Марказий Америка мамлакатлари президентларининг АҚШ президенти Кеннеди билан ўтказилган ва кеча ўз ишини тамомлаган конгашида қабул қилинган декларация текстини матбуот конференциясида ўқиб берди.

Декларация текстидан маълум бўлишича, кенгаш қатнашчилари Ғарбий ярим шарга Куба «таъсири ёйилишининг олдини олиш» учун Кубага қарши коллектив равишда ва якка тартибда муайян чоралар кўришга қарор қилганлар. Кубага сафар қилишларни ва «пропаганда»нинг, яъни Куба ҳақидаги ҳақиқатнинг ёйилишини чеклаб қўйиш ана шу чоралар жумласига киради.

Шу хил полициячилик вазифаларининг асосий қисми Қўшма Штатлар зиммасига юкланади.

Кенгаш қатнашчилари «Рио-де-Жанейро шартномаси»га (1947 йилда тузилган ва «Ғарбий ярим шарни ўзаро мудофаа қилиш тўғрисида шартнома» деб аталадиган шартнома. — Редакция изоҳи) содиқ эканликларини таъкидладилар ҳамда «коммунизмга қарши кураш чораларини кучайтиришга» қарор қилдилар.

Декларацияда Марказий Америка мамлакатларининг иқтисодий бирлашуви «процессини тезлаштириш» зарурлиги тўғрисида ҳам гап боради.

ТУНИС МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

ТУНИС, 21 март. (ТАСС). Тунис мустақиллик эълон қилинган кунининг 7 йиллигини кеча нишонлади. Ла Марсадаги (Тунис атрофида) президент саройида катта қабул маросими ўтказилди.

ПРЕЗИДЕНТЛАР ФИТНАСИ

ВАШИНГТОН, 20 март. ТАСС мухбири В. Вашедченко хабар беради:

Сан-Хоседа (Коста-Рика) Америка Қўшма Штатларининг президенти Кеннеди билан Марказий Америкадаги олти мамлакатнинг президентлари «Кубага қарши чоралар тўғрисида» бир битимга келди. Бу чоралар кейинчалик «Сан-Хосе декларацияси» деб аталмиш декларацияда баён қилиб берилади.

Сан-Хоседан хабар беришларича, Кеннеди билан Панама, Коста-Рика, Гватемала, Сальвадор, Никарагуа ва Гондурас президентлари Куба Республикасига қарши «коллектив равишда ва якка тартибда кўриладиган умумий чоралар тўғрисида» кеча уч соат мобайнида махфий кенгаш олиб борганлар.

Америка матбуоти Кубага қарши тайёрланган янги фитнани Ғарбий ярим шарда «коммунистик қўпорувчилик фаолияти»ни чеклаб қўйиш соҳасидаги тадбирлар қилиб кўрсатмоқда.



Америка Қўшма Штатларида ер ости ядро синовлари яна бошланганлиги жаҳон жамоатчилигини газаблантирмоқда. Кўп минглаб оддий америкаликлар ҳам бундай ёвузликка қарши норозилик билдирмоқдалар. Яқинда Нью-Йоркда қурсланишга қарши, атом синовларини тўхтатишни талаб қилиб хотин-қизларнинг намойиши бўлди. Суратда: намойишчилар колоннаси Нью-Йоркдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси ёнида. Латина— ТАСС Пренса фотоси.

Инсониятга қарши ҳаракат

Саҳройи Кабир районида ядро синовларининг ўтказганлиги учун Франция ҳукумати ҳаракатларини жаҳон жамоатчилиги қатъий қораламоқда. Африка қитъасидаги халқлар бу иғвогарлик ва душманлик ишини айниқса қаҳр-газаб билан қораламоқдалар.

Тунис ҳукумати Франция ҳукуматига норозилик билдирди. Эълон қилинган расмий ахборотда бу ядро портлатиши Тунис, Жазоир, Марокашда ва бутун Африкада оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги кўрсатилади.

«Франциянинг Жазоир Саҳройи Кабирида ўтказган ядро синовларини Бирлашган Араб Республикаси кескин равишда қоралайди», деди Бирлашган Араб Республикаси маданият ва миллий раҳбарлик министри Хатам. Ядро портлатиши, деб таъкидлади министр, инсониятга, унинг орзу-умидлари ва истиқболига қарши қаратилган шармандали душманлик ишидир. Бу иш ўз территориясидан ана шундай инсониятга қарши ҳаракатлар учун фойдаланишга қарши чиқаётган Жазоир халқи ҳуқуқларининг бузилишидир. «Франция тутган позиция — бутун дунёда тинчлик учун курашаётган Африка халқларига дағдағадир»,— деди сўзининг охирида Хатам.

Марокаш матбуоти Саҳройи Кабирда атом бомбаси портлатилганига қарши қатъий норозилик билдирмоқда. Франция ҳарбийларининг бу ишини «Алолам» газетаси жиноят деб атайди. Франция ядро синовларига қарши дунёнинг ҳамма томонларидан келаётган норозиликни назарда тутмаётгани ҳайратланарли, деб ёзади газета.

Сурия ҳукумати Саҳройи Кабирда ядро синовларининг давом эттирилишига қарши норозилик билдирди. Сурия ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Франция элчисига Жазоир саҳросида Франциянинг ядро синовларини ўжарлик билан давом эттираётганлигини Сурия Араб Республикаси Жазоир суверенитетининг бузилиши ва эрисевар халқларга дағдага деб ҳисоблайди, деб айтди.

Республика ишлари бўйича Ироқ давлат министри Ҳозим Жабад айтдики, Ироқ Франциянинг Саҳройи Кабирда ядро синовларини яна бошлаб юбориш ҳақидаги қарорини қоралайди. Ироқ ҳукумати, Жазоир территориясида бундай синовларнинг ўтказилиши бутун Араб райони хавфсизлигига таҳдид солмоқда, деб айтди.

Де Голль ҳукуматининг Саҳройи Кабир районида атом қуролининг навбатдаги синовларини ўтказаётганлигини Франция демократик жамоатчилиги кескин қораламоқда. Жамоатчилик бу ядро синовини мустақил Жазоирга қарши ва бутун дунёда тинчликка қарши иғвогарлик деб баҳоламоқда. Франция томонидан атом бомбасининг портлатилганлиги Африка мамлакатларидаги халқларнинг норозилигини туғдирмоқда ва бу иш халқаро миқёсда жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин, деб ёзади «Юманите» газетаси. Газета ҳукуматнинг бу тадбири ядро қуроли синовларининг тўхтатилиши тўғрисидаги битимга эришишни янада қийинлаштиради, деб таъкидлайди.

Францияда чиқадиган яна бир газета «Либерасьон» Саҳройи Кабирда атом бомбасининг портлатилишини «Франциянинг халқаро обрўсига путур етказувчи ахмоқона иш» деб атайди.

«Атом қуролига қарши кураш Умумдания ташкилоти» Копенгагендаги Франция элчихонасининг биноси олдида Франциянинг Саҳройи Кабирда ер остида ядро қуроли портлатганига қарши норозилик намойиши ўтказди. Биз Франция ҳукуматини ядро қуроли синовларини дарҳол тўхтатишга ва бундай синовларнинг батамом тақиқланиши ҳақидаги шартноманинг имзоланиши учун актив ёрдам беришга чақирамиз, дейилади Франция элчихонасига намойишчилар топширган резолюцияда. (ТАСС).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/III да **Дилором**, 24/III да кундуз **Олтин калит**, кечқурун **Риголетто**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/III да **Имон**, 24/III да кундуз **Олов**, кечқурун **Тобутдан товуш**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—23/III да **Тошболта ошиқ**, 24/III да **Кимга тўй, кимга аза**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 23/III да Янги аттракцион. Анатолий Сокол ўз ёрдамчиси — электрон-механик киши «Робот» билан. Томоша кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

23 мартда

ФУТБОЛ

«А» классидаги: «Зенит» (Ленинград) — «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида ўртоқлик учрашуви.

Кеч соат 5 да бошланади.

1963 йил 28 март эрталаб соат 11 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети филология факультетининг илмий совети мажлисида (А. Навоий кўчаси, 36-уй, акт зали)

А. Ҳожиаҳмедов

филология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Рус классик адабиётидан қилинган илк таржималар ва ўзбек адабиёти тараққиётида уларнинг аҳамияти (XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошлари)» деган темада.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

«Қизил Узбенистон», «Правда Востока» ва «Узбенистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р 06276. Индекс 64543. Нашр. № 70.